RESPUBLIKA
MILLIY KITOB PALATASI
INV №

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 14-mart, shanba • №11(3801)

АРМИЯ – ТИНЧЛИК ПОСБОНИ

**Юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, бу бурчга садоқатли эканлигини намоён қилиш ниятида юрт посбони бўлиш йигитлар учун шарафдир. Армия сафида хизмат қилиш эса ана шу шарафнинг амалий ифодаси, албатта. Айни кунларда жойлардаги ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини ўтаб бўлган аскарларни захирага бўшатиш, янги таркибни хизматга қабул қилиш давом этмоқда.**



# ЙИГИТЛИК БУРЧИ

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақируви ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг ўқув жараёнини таъминлаш батальонида навбатдаги ҳарбий хизматчиларни тантанали кузатув маросими бўлиб ўтди.

Билим юртининг саф майдонида бўлиб ўтган тадбирда ИИВ ТОҲТБЮ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Ёқуб Сайдуллаев аскарларнинг ҳарбий хизматини яхши ўтаганлари, уларнинг ота-оналарига муносиб Ватан ҳимоячиларини тарбиялаб, вояга етказганлари учун миннатдорчилик билдирди. Ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларнинг бир гуруҳига республикамизнинг олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли тавсияномалар топширилди.

— Бугун эгнимдаги ҳарбий либос билан қадрдон шаҳрим Бухорога, отаонам олдига боряпман. Қалбимда фахр, гурур туйғулари жўш уряпти, — дейди оддий аскар Илҳом Исмоилов. — Ҳаёт мактаби аталмиш армия бизни ҳар томонлама етук инсон бўлиб шакллантирди, дея оламан.

— Ҳарбий хизмат эр йигитни нафақат жисмонан, балки маънан баркамол этиб тарбиялашда, унда ўзига ишончни, қатъият ва собитликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди батальон командири майор, Суннат Раҳмонов. — Бу ерда аскарларимиз жисмонан бақувват бўлиши замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сирасрорларини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ҳар гал биз ҳарбий хизматга чақирилганларни кутиб олиш ва армия хизматини ўтаб бўлганларни кузатиш маросимини ана шундай тантанавор тарзда нишонлаймиз.

Тантанали маросимдан сўнг йигитлар уйларига йўл олишди.



**Абу КЕНЖАЕВ.**

**Суратларда:** ***кузатиш маросимидан лавҳалар.***

**Муаллиф олган суратлар.**

ТАРАДДУД

# ҲАМЖИҲАТЛИК – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**Мамлакатимиз катта шодиёнани нишонлаш арафасида турибди: боқий байрамимиз – Наврўзи оламни шод-хуррамлик билан кутиб оляпмиз. Бундан ташқари, бу йил азим шаҳримиз – Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Албатта, катта тўйлар, шодиёналар олдидан кўчаларни, ҳовли-уйларни кўнгилдагидек тартибга келтириш, саранжом-саришталаш, таъмирлаш, бир сўз билан айтганда, ободонлаштириш халқимизга хос эзгу амаллардан ҳисобланади. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам бундай улкан, кенг кўламли тадбирларга тайёргарлик кўришдек муҳим жараёнда фаол иштирок этмоқда.**

Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ИИБ ходимлари пойтахтимизда тезкор вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда Наврўз умумхалқ байрами ҳамда азим шаҳримизнинг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини муносиб ўтказишга алоҳида аҳамият беришмоқда. Жумладан, туман ҳудудида шаҳарсозлик ва қурилиш меъёрларига зид равишда ўзбошимчалик билан қурилган 170 та ноқонуний объект аниқланди ва ҳозирча уларнинг 132 таси бузиб ташланди. Аниқланган 523 та таъмирталаб иншоотлар – ташкилот ва корхоналар, бекатлар, кўпқаватли ва хусусий уйлар, сув-оқова тармоқларининг 392 таси таъмирдан чиқарилди. Маҳаллалардаги 270 та ариқлар тозаланди, 72 та йўл ва тўсиқлар тартибга келтирилди, 4 мингдан зиёд гул, мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Тегишли назорат идоралари билан ҳамкорликда санитар ҳолатни бузган, кўп хонадонли уйлардаги турар-жойларда уй ҳайвонлари (мол, қўй, товуқ ва ҳоказо) боққан бир қанча шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Албатта, ички ишлар идораларининг фаолияти бевосита ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш билан боғлиқ. Уларнинг иши айни мезонлар билан баҳоланади. Шу маънода Ҳамза тумани ИИБ томонидан 45 нафар муқаддам судланган шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққач, руйхатга олинди. ИИБ йўлланмаси билан туман ҳокимияти ҳузуридаги Бандликка кўмаклашувчи марказга мурожаат қилган мазкур шахсларга қарийб уч ярим миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

*(Давоми 4-бетда).*

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг ишонч телефонлари**
**231-37-98,**
**231-49-76,**
**231-32-81.**

# «ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» БОШЛАНДИ

Республика ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 мартдаги фармойишига асосан жорий йилнинг 15 мартидан 15 апрелига қадар республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Тадбир давомида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чораларини кўриш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини ошириш, ҳайдовчилар тайёрловчи ўқув ташкилотларида ўқитиш ишларини яхшилаш, қолаверса, кенг жамоатчиликни жалб этиш унинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Мазкур тадбирда ички ишлар идоралари, жумладан ДЙҲХХ ходимлари, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари, меҳнат жамоалари, халқ таълими ходимлари иштирок этади. Улар томонидан ҳар куни жойларда учрашув ва суҳбатлар ўтказиб борилади.

Бундан ташқари, йўллар кўрикдан ўтказилиб, пиёдалар йўлкалари таъмирланади, йўл белгилари ўрнатилади ва эскирганлари алмаштирилади. Ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг самарали ўтиши ҳар жиҳатдан ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси.**

## ЎЗБЕКИСТОН

## ҲАФТА ИЧИДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида парламент қуйи палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда ишлаб чиқилган, сиёсий партиялар фракцияларининг мажлисларида муҳокама қилинган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.**

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Маросимда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти, устоз ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатли фильмдан лавҳа намойиш этилди. Шу куни «Озод Шарафиддинов ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

● **Тошкентда «Bankexpo -- 2009» банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари йиллик миллий кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон, бир қатор МДҲ мамлакатларининг етакчи банк, молия ва инвестиция компаниялари иштирок этмоқда. Кўргазма дастури кенг қамровли ва хилма-хил бўлиб, кўплаб таълим семинарлари, маҳорат дарслари ва тақдимотларни ўз ичига олади.**

● Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштираётган, жамоат ишларида, жумладан, «Камолот»нинг бошланғич ташкилотларида фаоллик кўрсатаётган, турли кўрик-танловлар, мусобақалар ҳамда илмий анжуманларда ўз салоҳиятини намоён этаётган 20 нафар талаба «Камолот» стипендияси совриндори бўлди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси муҳандислик-техник марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.**

● Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси ҳужумчиси Анвар Солиев қитъанинг энг нуфузли мусобақаси – Осиё чемпионлар лигаси тарихида энг яхши тўпурарлар ўртасида етакчилик қилаётган Ан Чжун Хванга (Жанубий Корея) етиб олганини эълон қилди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

# ҲАМКОРЛИККА ЗАМИН ЯРАТИБ





**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ҳамда ТИБ Халқаро ҳамкорлик бўлими вакиллари томонидан Германиянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Маттиас Майер ва унинг биринчи котиби Уве Бердт қабул қилинди.**

Учрашувда Бошқарма бошлиғи, подполковник И.Турғунов меҳмонларга тизимнинг олдига қўйилган вазифалар, уларни амалга ошириш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, ходимларнинг билимини, касбий тайёргарлигини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги масалаларига атрофлича тўхталди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Германия давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йилдан буён муваффақиятли давом этиб келаётгани, бундан ҳар икки томон манфаатдор эканини мамнуният билан таъкидлаб, юртимизда фаолият кўрсатаётган Конрад Аденауэр, Фридрих Эберт жамғармалари, Халқаро университетлар ассоциацияси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишларга урғу берди. Республикамизда инсон ҳуқуқлари давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуқ меъёрларидан устун қўйилиши давлат сиёсатининг устувор вазифаси эканлигини айтди. Шунингдек, мазкур учрашув ҳар икки томон учун ўзаро манфаатли эканлигини қайд этди.

Ўз ўрнида меҳмонлар кейинги йилларда республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани, улар амалиётга изчил татбиқ этилаётгани, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини эътироф этиб, бу масалаларда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдиришди. Ҳар икки томон тизим ходимлари билан ҳамкорликда ўқув-семинарлари, амалий машғулотлар ўтказиш, ҳуқуқшунос-экспертлар фикрларини ўрганиш, тажриба ҳамда маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлаб, бу учрашув ана шу ҳамкорликларга замин яратишига ишонч билдирди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Суратларда: учрашувдан лавҳалар.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – Жанговар тайёргарлик ва ёнғин ўчиришни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник Исроил Исломович ЮЛДАШЕВ.**

Исроил Исломович Юлдашев 1958 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1975 йилда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 2-МҲЎЎҚ ўт ўчирувчиси лавозимидан бошлаган. 1980–1996 йилларда Тошкент шаҳар Миробод тумани 14-ҲЎЎҚ қоровул бошлиғи, Яккасарой тумани ИИБ ДЁНБ инспектори, катта инспектори, 4-МҲЎЎҚ катта инспектори, катта муҳандиси, қисм бошлиги, 1996–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ ДЁНБ бошлиғи ўринбосари, 8-ҲЁС бирикмаси бошлиғи, ИИВ ЁСБ илмий-текшириш лабораторияси бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиги, Андижон вилояти ИИБ ЁХБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Азимжон Раҳматжонович САЙДУЛЛАЕВ.**

Азимжон Раҳматжонович Сайдуллаев 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Мирзо Улуғбек тумани 2-МҲЎЎҚ инспектори лавозимидан бошлаган. 1996–2009 йилларда Мирзо Улуғбек тумани 2-МҲЎЎҚ катта инспектори, катта муҳандиси, 4-ҲЁХО 7-ҲЁХҚ бошлиги, Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ бошлиги, Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**Қашқадарё вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, майор Мухтор Диёрович ЮЛДОШЕВ.**

Мухтор Диёрович Юлдошев 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Қашқадарё вилояти ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими паспорт бўлинмаси инспектори лавозимидан бошлаган. 1998–2009 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими катта инспектори лавозимида хизмат қилган.

ҲАШАР

**Кўклам шамоли эсиши билан одатдагидек ҳамма жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланади. Айниқса, Наврўз байрамини кутиб олиш учун, бундай хайрли ишлар кўлами янада ортади. Қуйида ички ишлар идораларида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида жойлардан олинган хабарлар билан таништирамиз.**

## МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНАДИ

**ҚАРШИ.** Жорий йилда Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбариятининг тавсияси асосида бошқарма биносининг ҳовли саҳнига 500 дан ошиқ мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилди. Бундан ташқари, дала ўқув майдони ва Кинология марказига 2000 мингдан ортиқ турли мевали ҳамда манзарали кўчатлар экилди.

Кўклам юмушларини бажаришда Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор ва Қарши туманларида амалга оширилган ишлар мақтовга сазовор. Қолган туманларда ҳам ободонлаштириш ишлари давом этаётир. Бир сўз билан айтганда, Наврўз ўзгача шукуҳ, ўзига хос тараддуд билан қарши олинмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ.**

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ҚИЗҒИН

**ХОРАЗМ.** Вилоят ҳудудидаги милиция таянч пунктлари бинолари атрофига 2700 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. ППХ ва ЖТСБнинг хизмат итлари питомниги машғулот майдончалари ҳам қайта таъмирланиб, 50 туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ҳамда Урганч тумани ИИБ бинолари қайта таъмирдан чиқарилди. Хазорасп тумани ИИБда ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун 50 ўринга мўлжалланган ошхона ҳамда дам олиш хоналари янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**

## КЎКЛАМ ЮМУШЛАРИ

**НАВОИЙ.** Ўзининг бетакрор латофатини, чиройини кўз-кўз қилиб баҳор ҳар йилгиданда эртароқ ташриф буюрди. Янгиланиш ва яшариш фаслида кўчатлар экиб, гулзорлар яратиш халқимизга азалий одат, анъана бўлиб қолган. Ҳамма жойда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари кетаётган бир пайтда Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли муассасада ҳам ўзгача, баҳорий кайфият ҳукмрон. Муассаса бошлиғи, подполковник Ғайрат Жураев ташаббуси билан ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳашар ишларига жазо муддатини ўтаётган барча маҳкумлар жалб этилиб, ҳудуддаги йўлаклар, ариқлар тозаланиб, ниҳоллар экилди. Тобора яқинлашиб келаётган Наврўз айёмига тайёргарлик қизгин давом этмоқда.

**Р. МУХТОРОВ,**
**катта лейтенант.**

* * *

Байрам арафасида вилоятнинг шаҳар ва туманларида маданий-маиший бинолар, спорт ва ўқув масканлари қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. Эътироф этиш жоизки, бу каби тадбирларда ички ишлар идоралари ходимлари ҳамиша фаол қатнашиб келган. Халқимизнинг қадимий ва умрбоқий байрами Наврўз олдидан бошқарма ва унинг қуйи тизимларида ҳашар уюштирилиб, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Ҳовли ва йўлаклар тартибга келтирилгани боис янада обод, ораста кўриниш олди. Учқудуқ ва Нурота туманларида янги милиция таянч пунктлари барпо этилди. Бошқарма ЙҲХБ биноси қайта таъмирланиб, замонавий тус олди. Қизилтепа тумани ички ишлар бўлимида ҳам бунёдкорлик ва ободончиликка алоҳида эътибор қаратилди.

**Нигора РАҲИМОВА,**
**майор.**

САРҲИСОБ

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик институти фаолият юритаётганлиги Ўзбекистон мустақиллиги шарофати ҳамда ҳуқуқий демократик жамият қураётганимизни, мамлакатимизда инсон манфаатлари олий мезон эканлигини ўзида ифода этувчи рамзлардан бири, десак арзийди. Мамлакатимизда 13 йилдан буён фаолият юритаётган ушбу институт ўтган давр ичида самарали иш тажрибасига, ўз мавқеига эга бўлди. Халқимизнинг ишончли таянчига айланди.***

Вакиллик ҳисобот даврида, яъни ўтган йилги фаолияти давомида 9962 та мурожаат билан танишган. Деярли 10 мингга яқин инсоннинг, ўксик кўнгилнинг, дардли юракнинг қалбига йўл топишга, ёрдам беришга интилган. Икки палатали парламент иш бошлаган биринчи йили билан қиёслайдиган бўлсак, мурожаатлар сони деярли 2000 дан ортиққа кўпайган. Бу юртимиз одамларининг ушбу ташкилотга ишончи ортиб бораётганлигини, армонли одамларга дардкаш бўла олаётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, мурожаатлар тегишли ташкилотларга жўнатилгандан кейин муаммолар қандай ҳал этилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга молик. Йил ҳисоботида мурожаатларнинг мавзулари жуда чиройли ифодалаб берилган. Ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқларини таъминлашга оид мурожаатлар жами мурожаатларнинг 218 тасини ташкил этади, ундан 68 таси назоратга олинган ва еттитаси ижобий ҳал этилган. Эркинлик, шахсий дахлсизлик, инсоний муомалада бўлиш, шахсий қадр-қимматни ҳимоя қилишга оид мурожаатлар жами мурожаатларнинг 1093 тасини ташкил этади, ундан 493 таси назоратга олинган ва 40 таси ижобий ҳал этилган.

Таълим олиш ҳуқуқига оид 85 та мурожаат тушган. Ушбу рақамлар олдинги йилга нисбатан уч баравар кўп. Ундан таълим муассасалари раҳбари ёки ходимларининг хатти-ҳаракатидан норозилик 46 та, тест натижаларидан норозилик 32 та, ўқувни тугатганликка оид дипломни ёки гувоҳномани нострификация қилиш тўғрисида еттита.

Ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари, уларнинг ижтимоий ҳимояси масаласи мамлакатимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Шундай бўлсада, ушбу масала бўйича ҳам 14 та шикоят тушган. Олдинги йилги ҳисоботга қиёсласак, тўрттага камайган. Афсуски, у битта бўлса ҳам кўпдир. Ҳолбуки мустақил мамлакатимизда қабул қилинган илк қонун «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун эди.

Оилани ҳимоя қилиш ҳуқуқига тегишли 274 та хат келган бўлса, унинг 23 таси бола ҳуқуқларининг бузилишига оид шикоятлардир. Албатта, бу жами шикоятлар орасида жуда кичкина рақамни ташкил этади. Бироқ у битта бўлса ҳам кишини ўйга толдиради. Зеро, мамлакатимиз мустақиллигининг илк куниданоқ соғлом авлод тарбияси умумхалқ ҳаракатига айлантирилди.

Шуни таъкидлаш кераки, ташкилотга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан фуқаролар мурожаат этади. Институтнинг яхши анъаналаридан яна бири – ҳар йили фуқаролар мурожаатларининг мониторингини ўтказади. У албатта, беиз кетмайди. Шикоят хатлари таҳлили жамиятдаги муаммоларни ечишга кўмаклашади. Зеро, қайси йўналишдан кўп шикоят тушса, шу соҳа ичига кириб боришга интилиш институт тажрибаларидан яна биридир.

Бу борада кейинги тўрт йилни эътиборга оладиган бўлсак, 2006 йили уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига оид масалалар бўйича хатлар кўпайиши натижаси ушбу соҳада Тошкент шаҳрида уй-жой, коммунал масалаларига оид мониторинг ўтказишга асос бўлди. Ундан олдинги йили фуқароларнинг сиҳат-саломатлиги йўналишида мониторинг олиб борилди. Аграр соҳадаги иқтисодий муносабатларга оид мурожаатларнинг кўпайганлиги 2007 йилда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фермерлар ҳуқуқларининг таъминланиши мониторингини ўтказиш учун асос бўлди. Ўтган йили эса бу йўналиш яна давом эттирилди.

Ушбу ҳисоботдан кўриниб турибдики, ҳуқуқий институт нафақат поймол этилган инсон ҳуқуқларини тиклашга, балки шу жараён орқали мониторинг ўтказиб, қонунчилик жараёнларини такомиллаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшяпти. Бу фаолияти ҳам ўтган йилларга нисбатан анча кучайган. Институт ходимлари йигирма иккита қонун лойиҳасига ўз муносабатларини билдиришган.

Улар Адлия вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Шунингдек, ўтган йилги ҳисоботида Қонунчилик палатасининг саноқли қўмиталари билан ҳуқуқий ҳамкорлик қилинган бўлса, бу йил деярли барча қўмиталар билан ҳамкорлиги кўзга ташланади. Давлат органлари, фуқаролик институтлари, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари билан ҳамкорлиги яхшиланган ҳамда ахборот-маърифий фаолияти янада кучайтирилган.

Ўтган йилги ҳисоботга қараганда, бу йилгиси янада мукаммал. Ундан кўриниб турибдики, янада кенг кўламли ишлар амалга оширилган, деб бемалол айта оламиз. Масалан, ўтган йилги ҳисоботда ташкилот томонидан уюштирилган тадбирлар ҳақидаги илова йўқ эди. Бу йил айниқса, мамлакатимиз Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга бағишланган туркум тадбирлар уюштирилганлиги акс этган.

Олий Мажлиснинг икки палатали даврида Сайёр қабуллар уюштириб, ташкилот фаолияти билан таништириш, кузатувчи сифатида минтақавий вакилларнинг суд мажлисларида қатнашиши, фуқаролар билан жойларда учрашувлар ўтказиш, пенитенциар (жазо орқали тузатиш) тизим масалалари бўйича ташрифлар уюштириш каби фаолиятнинг янги йўналишлари кириб келди ва улар ҳисобот йилида ҳам самарали давом эттирилган.

Ҳисобот йилида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан амалий ҳамкорликни ўрнатди. Судларда қабул қилинаётган ҳал қилув қарорларининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ келиши бўйича Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш Омбудсман фаолиятининг амалий йўналишларидан бирига айланди. Вакил «Бир қанча жиноят содир этилгандаги қилмишларни тавсифлаш масалалари тўғрисида»ги, «Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги, «Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда иштирок этди.

2008 йилдаги ҳисоботни кузатиб, ютуқлар етарли эканлигига амин бўласиз. Шу билан бирга, институтнинг баъзи йўналишларининг иш фаолиятини янада жонлантириш кераклиги ҳақидаги мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Масалан, ўтган йили Марказий идорага 5676 та, минтақавий вакилларга эса 5383 та мурожаат тушган. Бу минтақавий вакилларнинг фаолиятини янада кучайтириш, нуфузини ошириш кераклигини кўрсатиб турибди. Зеро, уларнинг фаолиятини кучайтириш халққа янада имконият яратиш ва яқин бўлиш деганидир. Шунда фуқаролар марказга овора бўлиб келиб юрмайди.

Аввалги йили ишонч телефонлари орқали 770 та ҳуқуқий маслаҳатлар берилган. Демак, бу йўналиш ҳам халққа жуда маъқул. Халқимизга қулай бўлган ушбу йўналишга ҳам янада эътибор қаратиш лозим.

Умуман ушбу ҳуқуқий институтнинг ўтган тўрт йилги фаолиятига эътибор берилса, мурожаатлар сони йилдан-йилга ортганини кузатиш мумкин. Албатта, бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га халқнинг ишончи ортиб бораётганини, институт халқнинг оғирини енгил қилишга муносиб кўмак бераётганини кўрсатади.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Суд-ҳуқуқ тизими ташкилотларида ишлаб пенсияга чиққан кишиларимиз бор. Бугунги кунда улар маҳаллаларнинг таянчлари ҳисобланишади. Омбудсманнинг минтақавий вакилликлари ҳузурида жамоатчилик комиссияси тузиб, уларнинг тажрибасидан, билим салоҳиятидан фойдаланиш мумкин.

Ҳисобот билан танишар эканмиз, унинг 2009 йилга режалаштирилган йўналишлари эътиборимизни тортди. Жаҳонда 200 йиллик тажрибага эга бўлган ушбу ташкилот жорий йилда ўз юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраяпти. Уларнинг фаолияти янада кучайишини даврнинг ўзи талаб этяпти.

**Раъно ЗАРИПОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

ПАЙҲОН

# ФАОЛЛАР ИШТИРОКИДАГИ ТАДБИРЛАР

**Бугун ниш ураётган ниҳоллар эртага донга айланиб, омборларни тўлдиради, нон бўлиб, дастурхонимизға файз-барака киритади. Шу боис ҳам дон ерга қадалгандан уни асраб-авайлаб парвариш қиламиз. Буғдой экилган майдонлардаги майсалар нобуд бўлишига йўл қўймаслик муҳим вазифалардан биридир.**

Бу борада Тошкент вилояти ички ишлар идоралари ходимлари кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, шу асосда иш юритмоқдалар. Жумладан, профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинлари, хўжалик раҳбарлари, фермерлар билан бирга ғалла майдонларида пайҳонгарчиликнинг олдини олиш учун уларни четан билан ўраш, мунтазам назоратни йўлга қўйиш диққат марказида. Фаоллар иштирокида маҳаллалар, гузарлар ва кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Далаларда кузатув масканлари ҳамда отлиқ патруллар жорий этилиб, мунтазам рейдлар ўтказилаяпти. Экин майдонларига автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникалари кириши, экинлар пайҳон бўлишига олиб келадиган бошқа қоидабузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Бироқ таассуфлар бўлсинки, ҳар йили олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай, айрим фуқароларнинг бефарқлиги туфайли экинзорларнинг пайҳон бўлиш ҳолати учраётгани ачинарлидир. Бунга айрим ота-оналар ёш болаларига қорамолларни ишониб топшириши сабаб бўлмоқда.

Вилоят ҳудудида пайҳонгарчилик билан боғлиқ ҳолатлар аниқланмоқда. Жумладан, 11 феврaль куни Оҳангарон тумани Акча қишлоғида яшовчилар, вақтинча ишсиз С. Сафарнинг иккита эшаги ва уй бекаси М. Барнонинг тўрт бош бузоғи «Ангрен ишонч Отабек ҳамкори» фермер хўжалигининг 0,2 гектарга ғалла майдонини пайҳон қилиб юргани аниқланди. Тўпланган ҳужжатлар туман судига юборилди.

Шу куни Бўка тумани «Бахмал» фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи, вақтинча ишсиз Т. Бахтиёрнинг бир бош қорамоли «Бегали ота ўғли Абдураим» фермер хўжалигининг 0,01 гектар ерини пайҳон қилганлиги профилактика инспекторлари томонидан аниқланди.

Қайд этилаётган ҳар бир ҳолат қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинмоқда. Зеро, ҳамкорликда қилинган иш самарали бўлади.

**Шерали АНВАРОВ,**
**Тошкент вилояти ИИБ матбуот бюроси катта инспектори, майор.**

## ЖАҲОН



## АЙВОНИДА

### ЭНГ АРЗОН УЯЛИ ТЕЛЕФОН

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги мамлакатларда дунёдаги энг арзон қўл телефонлари сотувга чиқарилади. «El Vergatario» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган мазкур телефонларга 14 АҚШ доллари миқдорида нарх белгиланган.

Шу пайтгача жаҳон алоқа бозорида энг арзон (20 АҚШ доллари) қўл телефонлари 2008 йилнинг февраль ойида Ҳиндистоннинг «Spice» компанияси томонидан ишлаб чиқилганди.

### ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЧЕКИЛМАЙДИ

АҚШнинг Вирждиния штатида жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонун кучга киритиладиган бўлди. Янги тартибга кўра, бундан кейин ресторан, бар ва шунга ўхшаш гавжум масканларда тамаки тугатиш қатъиян ман этилади.

### ОДАМФУРУШЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Исроилда аёлларни алдаш ва сотиш билан шуғулланган 12 кишилик жиноий гуруҳ қўлга олинди. Мамлакат полицияси вакили Алекс Качальскийнинг қайд этишича, улар асосан МДҲ давлатларидан аёлларни алдаб олиб келиб, Туркия, Кипр, Чехия, Белгия, Голландия ва Канадада фаҳш билан шуғулланишга мажбур этган. Исроил қонунларига биноан жиноий гуруҳ аъзолари йигирма йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

### БОРТИДА БИР ТОННА КОКАИН

Associated Press ахборот агентлигининг хабарига кўра, Гондурас шимолида енгил моторли самолёт ҳалокатга учраб, ерга қулаб тушган. Учувчи ҳалок бўлган.

Текширишлар пайтида самолёт бортидан бир тонна кокаин топилган.



### ҚЎПОРУВЧИЛИК

Бағдодда велосипед минган террорчи кўплаб одамлар тўпланиб турган академия биноси ёнида ўзини портлатиб юборган. Натижада камида 28 нафар одам ҳалок бўлиб, 58 киши тан жароҳати олган. Ҳалок бўлганлар орасида полициячилар ва академия тингловчилари бор эди.

### ИШСИЗЛАР СОНИ ЎСМОҚДА

Испанияда ишсизлар сони рекорд даражага етди. Жорий йилнинг февраль ойида Меҳнат биржасига 155 минг нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилган. Бу эса мамлакатда ишсизлар армияси 3,5 миллионга етганини англатади.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

# ҚОИДАБУЗАРЛИК ЖИНОЯТГА ЙЎЛ ОЧАДИ

**Оқолтин туманидаги корхоналарда ИИБ ХЧК ва ФРБ ходимлари томонидан навбатдаги текширув ўтказилганда паспорт тизими қоидаларининг бузилиш ҳолатлари аниқланди. Марказий касалхона ва пахта тозалаш заводида фуқаролиги бўлмаган шахсларни ишга қабул қилинган, паспорт алмаштириш муддати ўтиб кетган фуқаронинг ҳужжатига эътибор берилмай ишга расмийлаштирилган.**



– Қоидабузарликларга эътибор қилинмаса, бора-бора жиноятга йўл очиши мумкин, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, капитан А. Саидов. – Шунинг учун ҳам биз фуқаролар назарида арзимас туюлган қоидабузарликларга ҳам йўл қўймасликка ҳаракат қиляпмиз. Айниқса, паспорт тизими қонун-қоидаларининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар эътиборли бўлмоқда.

Ўтган йили 65 нафар МДҲ давлатлари ва чет эл фуқаролари Ўзбекистонда бўлиш, рўйхатда туриш қоидаларини бузганлиги учун республикадан чиқариб юборилди. Сардоба қўрғонида Қозоғистон Республикасидан келган уч нафар аёлнинг ҳужжатлари кўздан кечирилганида уларнинг вақтинча рўйхатда туриш муддати ўтиб кетганига қарамай, ҳамон бемалол юрганлиги аниқланди. Маълум бўлишича улар айланма йўллар орқали Қозоғистонга олиб кетиш учун кўп миқдорда қуруқ мевалар тайёрлаб қўйган. Россиянинг Кемерово вилоятидан меҳмон бўлиб келган Ю. Владимиров иззатига тупуриб, мезбоннинг уйини ишратхонага айлантирмоқчи бўлган. Унинг беш минг сўм эвазига К. Абдурашид ва Э. Ферузага қўшмачилик қилгани ички ишлар ходимлари томонидан аниқланган.

– Паспорт тизими қоидаларига амал қилиш республикамиз, шунингдек, юртимизга иш юзасидан ёки бошқа мақсадларда келган қўшни ва чет давлатларнинг фуқаролари учун шарт, – дейди туман ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, сержант Зафар Усмонов. – Касални вақтида даволамаса зўрайиб кетганидек, паспорт тизими қоидалари бўйича текширув ўтказилиб, риоя этмаётганларга нисбатан чора кўрилмаса, қоидабузарлар сони ортаверади.

Биз биринчи галда профилактик тадбирларни кучайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Тумандаги мактаб, коллеж, маҳаллаларда паспорт тизими қоидалари бўйича суҳбатлар, учрашувлар ўтказиляпти. Почта, банк идоралари ходимларига муддати ўтиб кетган паспорт эгаларига нафақа пуллари ёки бошқа тўловлар берилиши ноқонуний эканлиги ҳақида огоҳлантирганмиз.

Биринчи марта паспорт олаётган ёшларга фуқаролик ҳужжатини тантанали равишда топшириш анъанага айланган. Бу тадбир мактаб, коллежларда тез-тез уюштириб турилади. Биз йигит ва қизларга паспорт топшириш билан бирга бу ҳужжатнинг фуқаролар ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, ундан фойдаланиш, сақлаш ҳақида тушунтириш берамиз.

**С. ШАМСИДДИНОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

**Суратда:** ***туман ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, сержант Зафар Усмонов фуқаро билан суҳбатлашмоқда.***

**Н. ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.**

ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИ

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш учун дадил ҳаракатлар бормоқда. Ҳар бир фуқаро ҳуқуқий жиҳатдан маданиятли бўлишга эришиш йўлида кўп ишлар қилиняпти. Жумладан, мактабларда ҳам болаларга ҳуқуқий таълим дарслари белгиланган. Ундан ташқари, ички ишлар ходимларининг ўқувчилар билан учрашиб ҳуқуқбузарлик, қоидабузарликлар ҳақида суҳбатлар уюштираётгани боис, болалар давлатимиздаги мавжуд қонун-қоидалар, уларга амал қилмасликнинг оқибатлари ҳақида тушунчага эга бўлишяпти.

Шу ўринда профилактика инспектори, катта лейтенант Авазбек Дедақўзиевнинг мактаб педагогик жамоаси билан биргаликда олиб бораётган ишларини айтиб ўтиш жоиз. Юқори синф ўқувчилари билан ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловини тайёрлашда А. Дедақўзиев бизга катта ёрдам берди. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла фаолларининг юқори синф ўқувчилари билан одам савдоси бўйича ўтказилган йиғилишга бош-қош бўлди. Бу тадбирлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

**Ширмоной АҲМЕДОВА,**
**Янгикўрғон туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси.**
*Наманган вилояти.*

**Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 158 та ёнғин қайд этилди. Улар туфайли етказилган моддий зарар 2 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилди. Турли сабабларга кўра юзага келган ёнғинларда 11 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди, бир нафари эса ҳаётдан бевақт кўз юмди.**

Андижон шаҳри Шимолий кичик даҳасида яшовчи А. Набиев улфатлари билан туғилган кунини нишонлаб, уйига қайтди ва диванда ётган жойида сигарет чекиб, ухлаб қолди. Қўлидаги ўчирилмаган сигарет гилам устига тушиб, чўғ аланга олди. Қўшниларнинг ўз вақ-

# «01» ХАБАР ҚИЛАДИ

тида берган хабари бўйича қутқарув хизмати тезлик билан манзилга етиб келди ва беҳуш ётган уй эгасини олов чангалидан олиб чиқди. 90 фоиз куйиш тан жароҳат олган хонадон соҳиби шаҳар шифохонасига ётқизилди.

Тошкент вилояти Қибрай тумани Чиноз кўчасида яшовчи Жалиловлар уйида ёнғин содир бўлди. Катталарнинг эътиборсизлигидан фойдаланган Азизбек ва укаси Алижон ошхонадаги гугурт қутисини олиб, ётоқхонага киришади ва қоғоз бўлакларини ёқишади. Аланга катталашаётганини кўрган болалар ташқарига қочиб чиқишади. Олов тезда хоналарга тарқалиб, уйнинг томи, шифти ва уй жиҳозлари зарарланди.

Сирдарё вилояти Боёвут тумани Охунбобоев кўчасидаги хонадонлардан бирида ёнғин келиб чиқди. Бунинг натижасида уйнинг томи, шифти ва жиҳозлар зарар кўрди. Ёнғинга том қисмидан ўтказилган электр симларда юзага келган қисқа туташув сабаб бўлди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, аксарият ёнғинлар лоқайдлик ва масъулиятсизлик оқибатида келиб чиқмоқда. Шу боис фуқароларимиздан зиммаларидаги бурч ва масъулиятни унутмасликларини илтимос қиламиз.

**У. ВАФОЕВ,**
**катта лейтенант.**

ХИЗМАТЛАРДА

# САВОБ - БЕЖАВОБМИ?..

Беҳзоднинг Паркент тумани ИИБда иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аммо у тиришқоқлиги, хушфеъллиги, интизомлилиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. 2006 йилда республика ИИВ Академиясининг жазони ижро этиш йўналиши бўйича Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини тугатиб, мазкур туманда иш бошлаган Беҳзод ўзига ишониб топширилган вазифани бажараркан, ўқиш давридаги устозлар сабоғи, талаблари бежиз эмаслигини англади. Машғулотлар жараёнида нимани ўрганган бўлса, ҳаммаси амалиётда асқотди. Шу боисми, назоратидаги шахсларнинг кўплигига қарамай ҳар бири билан якка тартибда шуғулланишга имкон ҳам, вақт ҳам топаяпти. Ахир 150 га яқин шартли ҳукм ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар билан ишлашнинг ўзи бўладими. Боз устига, аксарияти туман марказидан 30-32 километрлаб узоқда жойлашган қишлоқларда яшаса. Шунга қарамай уларнинг меҳнатга лаёқатли юздан ортиғи иш билан таъминланди.

– Ҳисобда турувчи маҳкумлар билан ойда икки марта учрашиб, суҳбатлар ўтказишимда устозларим, туман ИИБ бошлиғи ўринбосарлари, майорлар Ф. Мирзааҳмедов, М. Пайзиев ва ҲООБ бошлиғи, майор Ш. Ҳусанбоевнинг йўл-йўриқлари, амалий ёрдамлари катта бўляпти, – дейди камтарлик



билан туман ИИБ ҲООБ ЖИЭИ катта инспектори, кичик сержант Беҳзод Норматов. – Шунингдек, жойларда маҳалла фаоллари, профилактика инспекторларининг ҳам хизматлари беқиёс. Тумандаги «Обжувоз» маҳалла фуқаролар йиғини посбони Шуҳрат Маҳкамов, Чуққайма маҳалласи оқсоқоли Усмонали Усмонов, туман ҳокими ўринбосари Холисхон Саидазимова, туман ҳокимлиги қошидаги меҳнат бўлими мутасаддиларининг кўмаклари боис, маҳкумларни ишга жойлаштириш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари ижобий ҳал этиляпти.

Маҳкумлар орасида 15 нафар аёллар бўлиб, асосан безорилик, тан жароҳати етказиш, фирибгарлик, ўғрилик жиноятларини содир этганликлари учун ҳукм қилинганлардир. Уларнинг энг ёши, 1987 йилда туғилган Лобар безорилик жинояти учун шартли жазога тортилган. Маҳкума билан олиб борилаётган тушунтириш-профилактик ишлар натижасида у батамом тўғри йўлга кирди.

Ўғирлик жинояти учун синов муддати билан шартли ҳукм қилинган, 1992 йилда туғилган Умиджон назоратда турувчи маҳкумлар ичида энг ёши кичигидир.

– У билан суҳбатга алоҳида тайёргарлик кўраман, – дейди Б. Норматов. – Суҳбатимиз ўзаро ишонч, ҳамфикрлилик асосига қурилмас экан ундан фойда йўқ. Маълумки, бу ёшда баландпарвоз гаплар, панд-насиҳатлар уларга эриш, зерикарли туюлади. Онги тўла шаклланмаган бундай ёшларни кўпроқ жисмоний меҳнат ва машғулотларга жалб этиш тўғрироқ бўлса керак, деб ўйлайман. Шу боис унга жавобгар шахс бириктирилиб, устахоналардан бирига ишга жойлаштириб қўйилди. Бироқ олиб бораётган тушунтириш-профилактик тадбирларимиз доимо муваффақиятли тугаяпти, ҳамма маҳкумлар яхши томонга ўзгаряпти, десак муболаға бўлади. Улар орасида шунча саъй-ҳаракатларингизга қарамай, сиртида тузалгандай, аммо ичида ҳамон ғаразли ниятларидан воз кечолмай, пайт пойлаб юрадиганлари ҳам йўқ эмас. Хайрулла ва Дилмурод илгари ҳам ўғирлик учун бир неча марта судланган. Жазо тури озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турига ўзгартирилган. Ҳар иккиси билан маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳамкорлигида суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилди. Маҳалла вакиллари бириктириб қўйилди. Бироқ шунга қарамай иккиси тил бириктириб, яна ўғирлик жиноятига қўл уришди.

Берилган имкониятни суиистеъмол қилган, яхшиликни билмаган мана шундай ношукрлар ҳақида эшитаркансан, "Букрини гўр тўғрилар" деган ибора бежиз айтилмаганлигига иқрор бўласан, киши. Зотан, бундайлар кечиримлиликнинг ҳам чегараси борлигини унутиб қўйишади чоғи. Албатта, бундай ҳолатлар ҳар кимнинг ҳам руҳиятига таъсир этади. Ниманидир нотўғри қилдиммикан, деган саволлар қийноғига туширади. Аммо Хайрулла ва Дилмуродга ўхшаганлар камчилик эканлиги, кўпчилик ҳозир ёвқараш, ёқинқирамай кутиб олгани билан вақт ўтиб, хатосини англаб етишини ўйларкансан, руҳинг тасалли топади. Зотан, яхшилик ҳеч қачон унутилмайди.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА,**
**«Постда мухбири».**

**Суратда:** ***кичик сержант Б. Норматов иш пайтида.***
*Тошкент вилояти.*

## ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# КАСБИМ – ФАХРИМ!



**Навоий шаҳридаги ҳарбий қисм командири, полковник М. Ҳалимзоданинг шогирдларидан бири майор Шуҳрат Шамсутдиновнинг Юртбошимиз Фармонига биноан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Жасорат» медали билан тақдирланиши биз ҳамкасблар учун ҳам қувончли хабар бўлди. Халқ тинчлигини ўзига шиор қилиб олган қаҳрамонимиз Бухоро вилояти Когон шаҳри воқеасида ҳам мардлик ва жасорат кўрсатиб, зобитлар ҳамда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга куч ва далда бўлди.**

Исми жисмига монанд бўлган Шуҳрат болалигидан ҳаётнинг кўп зарбаларига дуч келган бўлса-да қоқилмади, яқинларининг меҳри унга мадад бўлди. Тиришқоқ ва абжир бу ўғлон мактабни аъло баҳоларга тугатди. Лекин ҳарбийликка бўлган ҳавас, Ватан олдидаги бурч устунлик қилди. Шу боис, республика ИИВ Тошкент олий-ҳарбий техника билим юртига ўқишга кириб, соҳага оид билим ва кўникмаларни мукаммал эгаллади. Талабалик даврида устозларидан олган билим ва малакаси унга хизмати мобайнида асқотиб келмоқда.

Ш. Шамсутдинов бугун устоз, дея эътироф этилмоқда. Ҳарбий машғулотларда ҳар бир жараённи ўқувчисига мукаммал тушунтира олади. Жанговар ва сиёсий тайёргарлик машғулотлари даражаси замон талабларига мос равишда олиб борилиши шартнома асосидаги ва муддатли ҳарбий хизматчиларимизни қониқтирмоқда.

— Мен ҳаётимни касбимсиз тасаввур эта олмайман, — дейди майор Ш. Шамсутдинов. — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари сафида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Ватан олдидаги хизматим юксак баҳоланган экан, «Жасорат» медали нафақат менга, балки сафдошларимга берилди, деб ҳисоблайман. Келгусида олдимга қўйган мақсадим, юрт ишончини мардонаворлик ила оқлаб, миллий армиямизга муносиб зобит бўлишдир.

Ҳа, бугун бўлинмада атроф тозаозода. Баҳор юмушлари амалга оширилмоқда. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлар, ҳар-хил гуллар экилаётир. Батальон биноси кўркам ҳолга келтирилиб, қайта таъмирланди. Қаҳрамонимиз шарафли касбининг машаққатларини мардонавор енгиб, янада олға интилмоқда.

**Н. ЮЛДАШЕВА,**
**оддий аскар.**

ИБРАТ

# ИҚТИДОРГА ЯРАША БАҲО

***Унинг Нукус Давлат университети талабаси бўлган пайтдаги қувончлари ҳамон ёдида. Ўқиш даврида вояга етмаганлар билан шуғулланадиган соҳа ходимлари томонидан ўтказилган тадбирларда иштирок этиб, қалбида бу касбга нисбатан меҳр уйғонди. Эгнига илк бор ички ишлар ходими либосини кийганида эса, масъулият ҳиссини туйди. Нукус шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимидаги уч йиллик фаолияти давомида анча тобланди. Раҳбарият унга ишонч билдириб, Қўнғирот тумани ИИБ ВЕОҲООГ инспектори этиб тайинлади. Шу тариқа Навоий ва Гулобод маҳаллаларига хизмат кўрсатувчи 77- милиция таянч пунктида янги ходим пайдо бўлди. Бу — лейтенант Тошпўлат Қўчқоров эди.***

— Ўшанда у вазифасини эплай олармикин, деб бироз шубҳа билан қараганимиз рост, — деди Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Камка Изтилеўова. — Бироқ дастлабки кунларданоқ хизматга фидойилик билан киришгани, ҳатто бизни тадбирларда имкон қадар кўпроқ қатнашишга жалб этаётгани шубҳаларимизни тарқатиб, қалбимизда илиқлик уйғотди. У вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишда самара берадиган омилларни топа олди ва улардан оқилона фойдаланди. Натижада, ўтган икки йил давомида вояга етмаганлар орасида жиноят қайд этилмади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, у хизмат қилаётган ҳудудда вояга етмаганлар орасида бедарак йўқолганлар, спиртли ичимлик ва гиёҳандликка ружу қўйган ёхуд ундан қутулиш мақсадида даволанаётганлар аниқланмаган. Тумандаги поликлиникада ҳисобда турган ногирон болаларнинг аҳволидан мунтазам хабар олиб турилади. Улар Тахиатош шаҳридаги "Айдин жол" болалар дам олиш масканида дам олиши ташкиллаштирилган. Ўзларининг номаъқул хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган беш нафар ота-она профилактик ҳисобга олинган.

Қўнғирот деҳқон бозори ҳамиша гавжум бўлади. Лейтенант Тошпўлат Қўчқоров бу ерга ҳар куни назар ташлашни канда қилмайди. Бугун унинг эътиборини юпунроқ кийинган, ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги қиз бола тортди. Унинг атрофга олазарак қарашидан кимнидир излаётганини пайқаш қийин эмасди. Қаршисида пайдо бўлган формали кишидан қизча бироз чўчиди. Бироқ унинг самимий чеҳраси, муомаласидан бироз далиллашди. Тошпўлат қиз билан тез тиллаша олди. Маълум бўлишича, нукуслик Мария укаси Саламат билан онасини излаб чиққан. Эри билан ажрашган Ажарбиби қизи ва ўғлини қўшнисига топшириб, тижорат билан шуғулланиш учун маълум муддатга бошқа юртларга кетган экан. Афсуски, ишонган қўшниси унинг фарзандларига оқибат кўрсатмаган. Қиз эса, онасини излаб топиш мақсадида саккиз яшар укасини эргаштириб уйидан чиққан. Бу ерга келиб қолгач укасини йўқотиб қўйган. Лейтенант Тошпўлат Қўчқоровнинг шошилинч чора-тадбирлар кўриши натижасида, Саламат ҳам топилди. Улар зудлик билан вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди. Унинг хизмат фаолияти давомида турли сабаблар билан уйидан чиқиб кетган, кўча-кўйда дайдиб юрган яна саккиз нафар бола аниқланиб, улар ҳам юқорида қайд этилган манзилга олиб борилди.

ВЕОҲООГ инспектори, лейтенант Тошпўлат Қўчқоров хизматидаги самарадорликнинг асосий омилларидан бири ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар билан мунтазам иш олиб боришидадир. Бундан ташқари, ундаги психологик қобилиятни ҳам алоҳида эътироф этиш керак. Чунки, қайси бола билан суҳбатлашмасин, қалбига тез йўл топа олади. Бу эса ўсмирлар билан ишлашда муҳим аҳамият касб этади. "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг якуний босқичида Қўнғирот тумани ИИБ ВЕОҲООГ инспектори, лейтенант Тошпўлат Қўчқоров «Ёшлар ҳуқуқлари ҳимоячиси» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритгани бу каби ижобий фикрларнинг тасдиғидир.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси*

# Бурчига содиқ ўғлон

**Тунги соат иккилар чамаси. Қарши шаҳридаги «Тез тиббий ёрдам» касалхонаси атрофида хизмат ўтаётган ППХ гуруҳи экипаж командири, капитан Сиддиқ Жўраевнинг сергаклиги бу гал ҳам асқотди. Оралиқ кўчадан тўрт-беш бош қўйни ҳайдаб ўтаётган шахс тўхтатилиб, бемаҳалда нима қилиб юргани сўраб-суриштирилганда унинг тили «айланмай» қолди. Чунки у спиртли ичимликка тўйиб олгани учун нуқул алжирарди.**

— Қўйлар қайнонамники, оғи чигилини ёзмоқчиман, — дея тўқиган чўпчаги билан ҳушёр посбонларни чалғита олмади. Чопони енгидан топилган катта ошпичоқ эса шубҳа-гумонларга ойдинлик киритди.

Муқаддам беш марта судланган Б. Ҳ. аэропорт ёнидаги хонадонлардан бирига ўғирликка кириб, у ердан олти бош қўйни ўғирлаган экан. У ўз айбига иқрор бўлиб, мазкур хонадонни бир кеча кундуз зимдан кузатиб, пайт пойлаганлигини яширмади...

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отряд командирининг ШТБИ бўйича ўринбосари, капитан Сиддиқ Жўраевнинг хизмат фаолияти давомида бунга ўхшаш воқеалар кўплаб учрайди. Ўтган йили турли кўринишдаги ўнга яқин жиноят унинг иштирокида очилгани фикримизга яққол далил бўла олади.

Ана шу ибратли хизмати боис С. Жўраев жамоадошлари орасида алоҳида ҳурмат топган. Айниқса, батальон раҳбарларининг у ҳақдаги фикрлари эътирофга лойиқ.

— Капитан Жўраевнинг бошқаларга намуна қилиб кўрсатадиган ижобий жиҳатлари кўп. У ўз билими ва тажрибаси билан шахсий таркиб ўртасида ҳурмат қозонган. Бир сўз билан айтганда, Сиддиқ яхши ходим, ибратли инсон. Бизнинг энг яқин кўмакчимиз, — дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командирининг ШТБИ бўйича ўринбосари, майор Акмал Аҳмедов.

Дарвоқе, капитаннинг хизматлари нафақат ўз бошлиқлари томонидан, балки республика Ички ишлар вазири буйруғи билан ҳам эътироф этилди. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан капитан Сиддиқ Жўраев «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

С. Жўраев ички ишлар идоралари сафида ўн олти йилдан буён хизмат қилиб келаётган бўлса, ҳар доим ва ҳар ишда ўз шижоати билан алоҳида ажралиб туради. Дастлаб вилоят ИИБ махсус отрядида, сўнгра ДАН хизматида самарали хизмат қилди. Олти йилдирки мазкур батальонда шахсий таркиб билан ишлаш хизматини бекаму кўст адо этиб келаётир.

Ёшлигидан спортнинг бокс тури билан шуғулланиб чиниққан С. Жўраев хизмат жараёнида қўл жанги мусобақаларида мунтазам иштирок этиб, бу борада ҳам муваффақиятларга эришиб келаяпти. Ҳам хизматда, ҳам спортда топган обрў-эътибори айтарли даражада мақтовли.

Асли мутахассислиги ҳуқуқшунос бўлган капитан Сиддиқ Жўраев ана шундай ўз касбининг фидойиси. У оилада ҳам севимли ёр, икки нафар фарзанднинг отаси. Сафимизда Сиддиқжон сингари йигитлар борлигидан ҳар қанча фахрланиб, уларнинг хизматини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**
*Қашқадарё вилояти.*

POSDA·TV
ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 16–22-mart

«TOSHKENT» ЧОРШАНБА, 22.50

## «Помпей». 1-қисм.



«YOSHLAR» ЯКШАНБА, 23.10

## «Қўнғироқсоч Сью».



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ

Соғлиққа эътиборни кучайтиришни маслаҳат берамиз. Касаллик ривожланиб кетмаслиги учун ўз вақтида олдини олиш зарур. Ўз кучингизга таянган ҳолда кўзланган мақсад сари интилинг. Тежоғлиқнинг иши бежолиқ, деб бежиз айтишмайди.

### СИГИР

Ҳафта дўстлар билан саёҳат уюштириш учун қулай бўлади. Жамоа билан ҳамжиҳатликда янги тажриба ишларида фаол иштирок этинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида туғилган янги ғоя ва режалар келгусида катта наф келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

### ЭГИЗАКЛАР

Қатъиятли, очиқ бўлишга ҳаракат қилинг. Мавжуд муаммоларни ечишнинг янги имкониятларини излаш керак. Бироқ мақсадларга эришиш осон бўлмайди. Қийинчиликдан қўрқмай, дадил қадам ташлаш керак. Саломатлик ҳақида ҳам ўйлаб кўринг.

### ҚИСҚИЧБАҚА

Эски муаммоларга қайтавергандан кўра янги, қизиқарли машғулотлар билан шуғулланинг. Сафарга чиқмасликни маслаҳат берамиз. Янги билим ва маълумотлар дунёқарашни ўзгартиришга ёрдам беради. Кўзланган мақсадлар борасида бир тўхтамга келиш лозим бўлади.

### АРСЛОН

Ҳафта бошида молиявий ишлар билан шуғулланмаган маъқул. Ҳар қандай вазиятда ҳам, қарз ёки кредит олиш маслаҳат берилмайди. Масъулиятли вазифаларни бажаришда сиздан эътиборли бўлиш, сафар чоғида эҳтиёткор бўлиш талаб этилади.

### БОШОҚ

Масъулиятли бўлиш билан бирга ижодда эркин фикрлашга кўпроқ аҳамият қаратинг. Қийин руҳий ҳолатга тушиб қолмаслик учун ўзингизни чалғитишга ҳаракат қилинг. Ҳафта давомида мавжуд муносабатларни ўзгартириш мумкин бўлади.

### ТАРОЗИ

Касални даволашдан кўра, уни олдини олиш осонроқ экани ҳақида унутманг. Дард илдиз отмасдан керакли давони қўллаган маъқул. Кўпроқ эътиборни оилада кўнгилли ҳордиқ чиқаришга қаратинг. Иш жойингизни ўзгариши эҳтимолдан ҳоли эмас.

### ЧАЁН

Яқин инсонингизга эътиборлироқ бўлинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шахсий муносабатларда кутилмаган кўнгилли воқеалар бўлиши мумкин. Ҳаётдаги биринчи муҳаббатингизни учратишингиз мумкин. Севимли инсонингиз билан кўнгилли вақт ўтказишни маслаҳат берамиз.

### ЁЙ

Кўзланган мақсадга эришиш йўлида тўсқинликка дуч келишингиз мумкин. Қийинчиликлар сизга жуда каттадек туюлади. Бироқ уларни таҳлил қилсангиз, мушкул аҳволдан осон чиқиб кетасиз. Яқинлар ҳақида қайғуришни унутманг.

### ТОҒ ЭЧКИСИ

Ҳафта давомида турли маълумотлар оқиб келиши кутилмоқда. Сафар ёхуд саёҳатга чиқишга таклиф тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кутилмаган телефон қўнғироқлари эътиборингизни тортади. Ҳар қандай шароитда қуюшқондан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилинг.

### ҚОВҒА

Ҳафта бошида овқатланишни тартибга солиш ҳақида жиддий ўйлаш зарур. Маблағни сарфлаш борасида янги фикрлар уйғонади. Энг зарур нарсаларни харид қилишни маслаҳат берамиз. Даромаднинг янги манбалари юзага келиши кутилмоқда.

### БАЛИҚ

Умр йўлдошингиз билан зиддиятга боришингиз мумкин. Муносабатларингиз зерикарли бўлиб қолгандай туюлади. Дўстлар билан кўнгилли мулоқот мавжуд ҳолатдан чиқиб кетишга ёрдам беради. Ҳафта охирида сизда янги, қизиқарли фикр ва ғоялар туғилиши мумкин.

## «O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 Миллий кино: «Нотаниш полвон». 2-қисм.
7.50 «Наврўз наволари».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Қушиғим, жон қушиғим».
9.10 ТВ - анонс.
9.15 «Қуроқ». В/ф.
10.15 «Минг бир ҳунар».
10.30 ТВ - анонс.
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Наврўз наволари».
11.30 «Азизим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ - анонс.
13.10 Миллий кино: «Кичкина табиб».
14.40 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
15.40 «Тандир нон». М/ф.
16.10 Миллий кино: «Муҳаббат синовлари».
18.20 «Ҳандалак» бисотидан.
18.45 ТВ - анонс.
18.50 «Наврўз наволари».
19.00 «Буюк аждодларимиз». Мирзо Улуғбек.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома». (рус).
20.05 ТВ - анонс.
20.10 Т/с «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ - анонс.
21.50 «Заковат».
22.55 «Шахмат сеҳри». Б/ф. Премьера.
00.50 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.55 Кўрсатувлар дастури.
01.00 «Таҳлилнома». (рус).
01.30 «Заковат».
02.35 «Шарқ тароналари».
03.35 «Буюк аждодларимиз». Мирзо Улуғбек.
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Қора ел».
05.45 Тонги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Наврўз нашидаси».
7.20 «Якшанба нонуштаси».
7.40 «Яшаш сирлари».
8.00 «Улфатлар». Б/ф.
9.35 «О, баҳор!»
9.40 «Соғлик – бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Мультипанорама».
12.00 «Даврнинг боласи».
12.10 «Болалар давраси».
12.30 «Эртаклар оламида».
14.00 «Янги бой». Б/ф.
15.25 «Олтин тупроқ».
15.30 «Ассалом, баҳор!»
15.50 «Камолот».
16.00 «Эверест».
16.30 «Тасвир ва таассурот».
16.50 «Унутилмас оҳанглар».
17.30 «Кавказ асираси». Б/ф.
18.45 «Ёшлар баҳори».
18.55 «Ассалом, Наврўз!»
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Таранлум».
20.10 Ҳинд киноси: «Вир ва Зара».
23.10 Жаҳон киноси: «Қўнғироқсоч Сью».
00.50 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 «Ассалом, янги кун».
8.30 «Анонс».
8.35 «Дил пайванди». Миллий сериал. 2-қисм.
9.00 «Телекурьер - маркет».
9.15 «Анонс».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Анонс».
9.45 «Афиша».
9.55 «Тошкентда латифа».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.20 «Анонс».
10.25 «Ассалом, янги кун!»
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 Индийское кино: «Папа». 1-2-серии.
13.30 «Телекурьер-маркет».
13.45 «Саргузаштлар ороли».
14.10 Миллий кино. «Сени излаб». 1-қисм.
15.55 «Болаликка қайтиб».
16.10 «Сумалакдан тош топдим». Фильм-концерт.
17.25 «Анонс».
17.30 «Телекурьер-маркет».
17.45 «Тошкентда Наврўз».
18.45 «Репортаж».
18.55 «Дил пайванди». Миллий сериал. 3-қисм.
19.20 «Тошкентда латифа».
19.25 «Ассалом, янги кун».
19.30 «Анонс».
19.35 «Телекурьер-маркет».
19.50 «Ассалом янги кун!»
19.55 «Анонс».
20.00 «КИНОТАКДИМ».
20.25 «Ассалом, янги кун».
20.30 «Репортаж». (рус).
20.40 «Открытая дверь».
21.10 «Мысли вслух».
21.15 «Анонс».
21.20 Миллий кино: «Сени излаб». 2-қисм.

## «Sport»

8.00 «Хабарлар».
8.20 Теннис.
9.00 «Хабарлар». (рус).
9.20 Футбол. Англия чемпионати.
11.00 «Паҳлавонлар беллашуви». Экстремал спорт биринчилиги.
11.50 «Военное дело».
12.10 – 13.30 Биатлон. Кубок мира.
16.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «ПАХТАКОР» - «ЛОКОМОТИВ».
18.20 «Кўпкари олдидан». Телефильм.
18.30 «Версия».
19.00 «АВТОграф».
19.20 «Спорт уик-энд».
19.50 Спортивное кино: «Школа выживания». Художественный фильм.
21.30 «Талқин».
22.00 «Профринг».
22.55 Интерфутбол.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

6.00, 10.00, 12.00 Новости.
6.10 Фильм «Их знали только в лицо».
8.05 Смак.
8.40 «Служу Отчизне!».
9.10 Умницы и умники.
10.20 «Непутевые заметки».
10.35 «Пока все дома».
11.25 Фазенда.
12.10 Ералаш.
12.30 Фильм «Проклятие кролика-оборотня».
13.55 «Безумный гений Иннокентия Смоктуновского».
14.35 Фильм «Старший сын».
16.55 Фильм «Царь скорпионов».
18.25 «Две звезды».
21.00 «Время».
22.00 Фильм «Перевозчик 2».
23.35 Фильм «На обочине».
1.50 Фильм «Французский связной».
3.40 Сериал «Пропавшая».

## «Россия»

5.40 Фильм «Снайпер».
7.25 «Смехопанорама».
7.50 Сам себе режиссер.
8.40 Утренняя почта.
9.15 Фильм «Костяника. Время лета».
11.00, 14.00, 20.00 Вести.
11.50 «Городок».
12.20 «Сто к одному». Телеигра.
13.15 Парламентский час.
14.30 «Честный детектив».
15.00 Юбилейный концерт программы Спокойной ночи, малыши!
16.50 «Танцы со звездами».
21.05 Специальный корреспондент.
21.35 Фильм «Как же быть сердцу?».
23.35 Боевик «Наемник».
1.30 Фильм «Внезапное пробуждение».
3.20 Детектив «Вещественное доказательство».

## НТВ

6.00 Комедия «ПЕРЕЕЗД».
7.30 «Дикий мир».
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
8.20 Лотерея «Русское лото».
8.45 Их нравы.
9.25 Едим дома.
10.20, 20.20 Чрезвычайное происшествие.
10.50 «Quattroruote».
11.25 Авиаторы.
12.00 Дачный ответ.
13.25 Фильм «КОМАНДИР СЧАСТЛИВОЙ «ЩУКИ».
15.05 Своя игра.
16.20 Борьба за собственность.
17.00, 2.30 Сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
19.50 Чистосердечное признание.
21.00 «Главный герой».
21.55 Боевик «СПЕЦИАЛИСТ».
0.00 «Quattroruote».
0.30 Фильм «ЧЕЛОВЕК, НЕСУЩИЙ СМЕРТЬ».
3.20 Фильм «РИМ».
4.15 «ПРОСТО ЦИРК».
4.50 Сериал «ДЕВЯТЬ МЕСЯЦЕВ ИЗ ЖИЗНИ».
5.15 Сериал «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.15 Х/ф «ОТЕЛЬ «У ПОГИБШЕГО АЛЬПИНИСТА».
13.00 Сериал «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ИНДИАНЫ ДЖОНСА».
15.00 Сериал «ЗВЕЗДНЫЕ ВОЙНЫ. ВОЙНЫ КЛОНОВ».
16.00 Х/ф «СОЛНЕЧНЫЙ АД».
18.00 Сериал «ПОРТАЛ ЮРСКОГО ПЕРИОДА».
19.00 «Потерянная пирамида».
21.00 «Городские легенды. Кронштадт. Отсюда начинается земля».
22.00 «Хилеры. Чудеса исцеления».
23.00 Х/ф «ДЕВЯТЫЕ ВРАТА».
2.00 Х/ф «ПРИЗРАК ИЗ ГЛУБИНЫ».
4.00 Х/ф «ОПАПАТИКА. БИТВА БЕССМЕРТНЫХ».
6.15 Х/ф «СЛИЗНИ».

## ТНТ

6.00, 7.30 Мультсериалы.
7.00 «НЕ ТАКАЯ». Сериал для подростков.
8.25 «САША + МАША». Комедия.
8.45 «Первая Национальная лотерея».
9.00, 21.00, 1.40, 4.00 «Дом-2».
10.00 «Школа ремонта».
«Цветы для него».
11.00 «Мечтать не вредно».
12.00 «Женская лига». Комедия.
12.30, 23.30 «Смех без правил».
13.50, 16.00 «ЭФФЕКТ БАБОЧКИ». Триллер.
18.00 «Убойная лига».
19.00, 23.00 «Женская лига». Комедия.
19.30 «Женская лига: парни, деньги и любовь». Комедия.
20.00 «Наша Russia».
22.00 «Комеди Клаб».
0.35 «Убойной ночи».
1.05 «Секс» с Анфисой Чеховой.
2.10 «ЖИРНАЯ ПИЦЦА». Комедия.
4.55 «Необъяснимо, но факт».
5.45 «САША + МАША». Комедия.

## СТС

8.00 «ВСЕ, ЧТО Я ХОЧУ НА РОЖДЕСТВО». Х/ф.
9.45, 15.00 Мультфильмы.
11.15 «Самый умный».
13.00 «Галилео».
14.00 «Снимите это немедленно!»
18.00, 20.00, 22.00 «6 кадров».
19.00, 1.15 «Даешь молодежь!» Комедийный сериал.
21.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
23.00 Кино «ПРАВИЛА СЪЕМА. МЕТОД ХИТЧА».
1.30 «Хорошие шутки».
3.30 Кино «ГОЛУБАЯ СТАЛЬ».
5.30 Кино «ИГРА ПО ЧУЖИМ ПРАВИЛАМ».

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00, 15.30 «Как уходили кумиры».
10.00 Тысяча мелочей.
10.20 Мультфильмы.
13.30 Фильм «ЛОШАДИ В ОКЕАНЕ».
16.30, 3.00 Х/ф «ПРИНЦЕССА МЕЧЕЙ».
18.30 Судебные страсти.
20.30, 2.30 «Приговоренные пожизненно».
21.00, 2.00 «Брачное чтиво».
22.00 Фильм «МАЭСТРОВОР».
23.30 «В засаде».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК-4».
5.00 Клуб детективов.
7.00 «Каламбур».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
12.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
12.05 Классика: NHL. «Ванкувер» - «Виннипег» (1993).
13.00 Game Sport.
13.10, 20.10, 23.10, 2.20 NBA Live!
13.30, 18.10, 22.40, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.40 Киберспорт.
14.00 X-Games.
15.00 Спортивные танцы.
16.00 Предельная глубина.
16.10 Море дайвинга.
16.30 Мир подводной охоты.
16.40 Основной инстинкт.
17.00 Под водой с...
17.10 Экстрим: начало века.
17.40, 6.30 Wrestling: опасная зона.
18.30 «Клерки на экстриме». Документальный фильм.
19.30 Диалоги о рыбалке.
19.40 Бега и скачки.
20.30 Клуб покорителей пространства.
20.40 Motor World.
21.10 Картинг.
21.30 Off-Road Drive.
21.40 Диагноз: горы.
22.00 Ралли - рейды России.
22.10 Volvo Ocean Race.
23.00 Свободный полёт.
23.30 Настольный хоккей.
23.40 Настольный футбол.
0.00 X-treme 99,9.
1.05 Покер.
2.35, 6.15 Outrageous and Courageous.
3.05 Интерактивное шоу «Ночной выигрыш».
4.05, 5.05 Спортмания.
6.05 Только не это!

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

***Халқ бор экан, Ватан бор экан, Давлат бор экан, бу уч буюк бойлик бирлигига эришиш, шу бирликни асраб-авайлаш, қадрига етиш — шу халқнинг вакили, шу Ватан соҳиби, шу Давлат фуқароси бўлган ҳар бир кишининг муқаддас бурчига айланиши лозим.***

1999 йили Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташкил этилди. Унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида ўша йили 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус Фармони ҳам қабул қилинди. Шундан кейин ана шу кенгаш ҳузурида Миллий мафкура илмий тарғибот маркази иш бошлади. Бироқ Марказ фақат грант асосида ютган маблағлари ҳисобига ишлайдиган ташкилот эди. Шунинг учун унинг иши кенг қулоч очиб кетмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ушбу Марказ фаолиятида туб бурилиш ясади.

Аввало, ана шу тарихий Қарорнинг туб моҳияти, миллий ғоя тарғиботи ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида икки оғиз фикр билдирсак.

Моҳиятини ўйлаб кўрсангиз, бу — ниҳоятда муҳим ҳужжат. Чунки, Қарорда тўғри қайд этилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, эҳтимол, ҳеч қачон бугунгидек долзарб масалага айланмагандир.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборий курашлар кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, уларда ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси бу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этгани учун шу Қарор қабул қилинди.

Қарор бундан буён тамоман янгича куч-ғайрат, огоҳлик ва аниқ мўлжал асосида ишлашни талаб этади. Ҳавойи гаплар, умумий даъватлар, баландпарвоз ҳамду санолар даври ўтди. Биз ахборотлар кураши асрида яшаяпмиз. Тарғиботчилар шуни унутмаслиги керакки, бугун тингловчи содда эмас. Унинг бошқа ахборий манбалардан маълумотлар олиш ва уларни таҳлил этиш, ҳаётни бевосита кузатиш бўйича жуда катта имкони бор. Демак, бугун маънавий-маърифий, керак бўлса, ғоявий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишида ўта ҳушёрлик, чуқур таҳлил салоҳияти, энг муҳими, катта ахборот базасига эга бўлиш ва уни таъсирчан, содда, ишонарли тарзда, замонавий усул ва услублар, техника ва технологиялар воситасида фуқаро онги ва қалбига етказиш масъулияти талаб қилинади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши бундан буён ана шу юксак талаблар асосида фаолият олиб боришга мажбур. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатларимиз зое кетади.

Қарорда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун бу тизимга жиддий янгиликлар киритилди.

Ташкилий жиҳатдан **т ў р т** муҳим янгилик юз берди.

**Б и р и н ч и с и** — Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилди. Тўққиз кишидан иборат Кенгаш Бошқаруви ташкил этилди.

**И к к и н ч и с и** — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати жорий этилди. Республикамизнинг барча минтақа ва ҳудудларида биринчи раҳбар минтақавий-ҳудудий Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси ҳисобланади. Ёрдамчилар амалда ана шу минтақавий Маънавият ва маърифат кенгаши раисининг ўринбосари бўлди ва жойлардаги маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштиришда у Жўқорғи Кенғес раиси ва ҳокимларга бевосита ёрдам беради.

**У ч и н ч и** янгилик шуки, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий гуруҳи — ижроия идораси ҳисобланмиш Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилди.

Унинг таркибий тузилишида ҳам муайян ўзгаришлар қилинди. Қўшимча равишда янги Тарғиботчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва малакасини ошириш бўлими очилди. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими Ижтимоий-сиёсий тарғибот бўлимига, Ижтимоий-иқтисодий тарғибот бўлими эса Ҳуқуқий тарғибот бўлимига айлантирилди.

**Т ў р т и н ч и** янгилик шундан иборатки, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги шу пайтгача фақат ютиб олган грантлари асосида фаолият олиб борган Миллий мафкура илмий тарғибот маркази давлат бюджетидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказиға айлантирилди, унга янги штат бирлиги ажратилди.

Шу тариқа Республика Маънавият ва маърифат кенгаши амалда икки қанотга эга бўлди. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази илмий-назарий, услубий-методик тавсиялар, дастурлар, ишланмалар, рисолалар, қўлланмалар ва бошқа нашрий босма маҳсулотлар ишлаб чиқади, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи бўйича мониторинг олиб боради. Республика Маънавият тарғибот маркази бевосита амалий тарғибот ишлари билан шуғулланади, мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот тизимини такомиллаштиради, маънавий-маърифий ишларни уюштиради, мувофиқлаштиради, жойларда, ташкилот ва муассасаларда бу борадаги аҳволни ўрганади, уларга ёрдам кўрсатади, шу соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўяди.

Кўриниб турибдики, Қарорда вазифалар ўта муайян тарзда белгилаб берилган. Бу эса унинг ижроси учун ишни юксак даражада ташкил этишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг мақсад ва вазифалари ҳам қуйидаги тарзда аниқ-тиниқ қилиб белгилаб берилди:

1. *Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш.*

2. *Халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларини ишлаб чиқиш.*

3. *Фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишига, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларини ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш.*

4. *Ўз фаолияти доирасида амалга оширган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларининг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари — “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш.*

Мана, орадан икки йилдан ошиқроқ давр ўтди. Хўш, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази шу давр мобайнида қандай фаолият олиб борди? Шу қисқа муддат ичида 41 номда турли қўлланма, мультимедия, тўплам ва рисола халқ ҳукмига ҳавола этилди.

Шу давр мобайнида Марказ мамлакатимизнинг турли минтақа ва ҳудудларида мафкуравий мониторинг олиб борди. Шу тариқа жойларда маънавий-маърифий ҳамда ғоявий-мафкуравий жиҳатдан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар аниқланди, улар тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокама қилинди ва ушбу хато ҳамда камчиликларни тузатиш, олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Марказ тайёрлаб бераётган материаллар тарғиботчилар учун илмий-амалий дастур вазифасини ўтаб келяпти.

Модомики, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов қайта-қайта уқтираётганларидек, мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлироқ экан, ҳамонки, миллий ғоя ва мафкура масаласи бир лаҳза бўлсин тўхтатиб бўлмайдиган жараён экан, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолиятига эҳтиёж катталигича қолаверади.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари.**

ТАРБИЯ БУРЧАГИ

### КИМГА МАЪЛУМ, КИМГА НОМАЪЛУМ

Мендан сўрадилар:

— Ҳол-аҳволингни тушунтирмасанг ҳам тушунадиган одам ким?

— Отам, — дедим.

— Ҳол-аҳволингни тушунтирсанг ҳам тушунмайдиган одам ким?

— Болам, — дедим.

### УЙИДАН КЕТГАНИ ЁМОН

— Кимдан эҳтиёт бўлган яхши?

— Уйига сиғмаган одамдан.

— Кимдан ҳайиқмаган маъқул.

— Кўчага сиғмаган одамдан.

### КЎНГИЛГА ҚАРАМАЙДИ

— Кимнинг кўнглини олиш мушкул?

— Бошлиқнинг. Чунки у сизнинг кўнглингизга эмас, ишингизга қарайди.

### ОДАМ ШАКЛИДАГИ ОДАМ

— Китоб ўқимаган одамни ким деб аташ мумкин?

— Одам шаклидаги одам.

### БАРАКА ШУКУРДА

— Муваффақиятнинг калити нимада?

— Шукур қилишда.

— Муваффақиятсизликнинг калити-чи?

— Ношукурликда.

### МИЯСИНИ БУРАШ КЕРАК

— Қачон тарози тўғри ўлчамайди?

— Эгаси эгри бўлса.

— Унда тарозини тўғрилаш учун нима қилиш керак?

— Уни ишлатувчининг миясини тўғрилаш керак.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ ШТБИХ МТБ катта инспектори, подполковник.**

*Ўқувчиларнинг дарсларга мунтазам қатнашишларини таъминлаш борасида халқ таълими бўлимлари, мактаблар маъмуриятлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражада эмаслиги аён бўлди.*

УМР БАҲОРИ

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ҲАММА МАСЪУЛ

***Ёшлик – умрнинг баҳори. Унинг ҳар бир сонияси қадрли. Унда чексиз орзу-ниятлар куртак ёзади. Ана шу фасл билим олишга, касб-ҳунар танлашга, қўйинки, фойдали ўтсагина куртак гуллайди, ўз мевасини беради. Бинобарин, мамлакатимизда ёш авлодни баркамол, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Замонавий лицей ва коллежлар бугун муқаддас диёримизнинг ҳуснига-ҳусн қўшаётир. Яратилаётган шарт-шароитлардан мақсадли фойдаланиш, қадрига етиш лозим.***

Фарғона вилоятида ҳам жамият тараққиётида ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш ишларига, уларни турли салбий таъсирлардан асраш, бу борада огоҳлик ва ҳушёрликни асло сусайтирмасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят ИИБ томонидан ёшлар, айниқса, таълим муассасаларида таҳсил олувчилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлардан сақлаш мақсадида бир қатор профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирларда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар идоралари ҳамда ўқитувчилар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Ҳар бир мамлакатнинг келажаги ундаги таълим-тарбия ишларининг истиқболли амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқ. Кўзни яшнатувчи, маҳобатли қурилган мактаб, лицей, коллежларда ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилиб борилмоқда. Лекин бундай имкониятлардан мақсадли фойдаланиш ўрнига, дарсларга қатнашмасликни қандай изоҳлаш мумкин? Шу йилнинг январь, февраль ойида вилоятнинг айрим коллеж ва мактабларидаги давомат ўрганилганда болаларни таълимга жалб этиш, уларнинг дарсларга мунтазам қатнашишларини таъминлаш борасида халқ таълими бўлимлари, мактаблар маъмуриятлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражада эмаслиги аён бўлди. Вилоят ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинма ҳамда гуруҳлари ходимлари томонидан ўтказилган рейдлар давомида айрим ўқувчиларнинг дарс пайтида машғулотларга қатнашмай юрганлик ҳолатлари аниқланди.

Марғилон шаҳридаги педагогика коллежида вилоят ҳокимлиги, МХХ, ИИБ, прокуратураси томонидан «Мактаб, таълим-тарбия масаласи – бугунги куннинг энг долзарб вазифаси» мавзуида учрашув ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, халқ таълими бошқармаси вакиллари ҳамда мактаб директорлари, ўқитувчилари иштирок этган мазкур учрашувда Марғилон шаҳри, Охунбобоев, Ёзёвон, Риштон ва Бағдод туманлари мактабларидаги давоматнинг аҳволи, ёшлар тарбияси ҳамда таълими билан боғлиқ бошқа ҳолатларга оид камчиликлар таҳлил қилинди.

Учрашувда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Т. Худайбергенов сўзга чиқиб, ёшларни турли хил ёт ғоялар таъсиридан сақлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини кучайтириш лозимлиги ҳақида гапирди. Нотиқнинг таъкидлашича, туманлардаги халқ таълими бўлими педагоглари ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида алоқа ўрнатилмаганлиги қатор нохуш ҳолатлар юз бераётганлиги айтиб ўтди.

Биргина «Давомат» тадбири давомида Марғилон шаҳридаги 14-мактаб ўқувчиларининг дарсларга қатнашиши ўрганилиб, айрим ўқувчилар сабабсиз машғулотларда йўқлиги аниқланди. Ахир ота-онанинг бола тарбиясидаги совуққонлиги, эътиборсизлиги, мактаб билан ҳамкорликнинг сустлиги оқибатида ўқувчиларнинг жиноят кўчасига кириб қолмаслигига ким кафолат беради?

– Тарбияда кечикиш керак эмас, – дейди Риштон туманидаги 33-мактаб директори А. Бобоев. – Бу борада ота-оналар, ўқитувчиларни йиғиб керакли кўрсатмалар бериб боряпмиз. Ўқувчиларни кўпроқ спорт тўгаракларига жалб этиш баробарида уларни салбий таъсирлардан сақлаб қолиш мумкин.

– Учрашув, давра суҳбатларни кўпроқ ташкил этишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи ўринбосари, подполковник М. Орипов. – Мақсад – жамоатчилик фаоллигини янада ошириш. Бу борада ишларни эса бир муддат ҳам сусайтирмаслигимиз лозим.

Дарҳақиқат, бола жиноятчи бўлиб туғилмайди. Балки оилавий муҳит, тарбиянинг йўқлиги уни шу йўлга бошлайди. Шунинг учун уларни она-Ватанга, миллий қадриятларимизга содиқ ҳамда аждодларимизга муносиб ворис қилиб вояга етказиш асосий вазифамиз. Зеро, ёшлар тарбиясига фақат ота-она, мактаб ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари эмас, балки ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз зарур.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

*Тошкент – Фарғона – Тошкент.*

МУЛОҲАЗА

# ТАН ЖАРОҲАТИ – ҚАЛБ ЖАРОҲАТИ

***Вилоят ИИБ навбатчилик қисми ходимлари томонидан рўйхатга олинган бир кунлик тезкор маълумотномага кўз югуртирар эканман, баданга шикаст етказиш ҳолати энг кўп қайд этилгаилиги ва жабрланувчиларнинг барчаси суд тиббий экспертизасига йўлланма олганлиги эътиборимни тортди. Айниқса, Хазорасп туманида яшовчи Р. Ширин «Нимага менинг челагимдан сув оласан», деб қайнсинглиси Ш. Дилнозани уриб, унга тан жароҳати етказганлиги тўғрисидаги хабарни ўқиб, ўйланиб қолдим.***

Азал-азалдан, келини бор хонадонни файзли хонадон дейишади. Қайноталар хонадонига келин тушган кундан бошлаб имкони борича юмшоқлик билан гапиришга ҳаракат қилишган. Чунки, ҳали бегона жойга ўрганиб улгурмаган келинининг кўнглида «Қайнотам мени уришмаётганмикан?» деган шубҳа-гумон пайдо қилмаслик мақсадида одоб доирасидан четга чиқишмаган. Қайнона бўлса келинини ўз қизидек кўриб, унга меҳрибонлик кўрсатиб, билмаганларини ўргатган. Қайнсингил ва келинойи ўртасида ҳам ўзига хос боғлиқлик бўлган. Турмушга чиқмаган қизлар янгасини энг яқин сирдошим, маслаҳатдошим, деб қабул қилишган.

Шу маънода бир челак сув учун қайнсинглисини уриб, унга тан жароҳати етказган Р. Шириннинг ҳаракати кишини тааժжубга солади. Неча минг йиллардан бери давом этиб келаётган урф-одатларимизга тўғри келмайдиган бу ҳолат ачинарли ва айни пайтда мушоҳада юритишга арзийдиган сабабдир. Албатта, янгасини ёмонлаб «кўчага» чиққан Ш. Дилнозанинг ҳаракатини ҳам оқлаб бўлмайди. Жаҳл чиққанда ақл кетади, дейишади. Дилноза бироз кечиримли бўлганида, андиша қилганида, эҳтимол, янгаси ўз қилмишидан уялиб ундан узр сўрармиди. Қолаверса, шу хонадонда яшаётган оила бошлиқлари, яъни ота-она, қизини оқ, келинини эса қора кўрсатишга уринмасдан уларни тенг кўриб, «бегоналар» аралашувисиз пайдо бўлган муаммони одилона ҳал қилишлари лозим эди. Шунда ёпиғлиқ қозон ёпиқлиғича қолиб, уйдаги «гап» ташқарига чиқмаган бўлар эди. Энди-чи?...

Тезкор маълумотдаги яна бир ҳолат ҳайратимни оширди. Хонқалик Т. Ахмед ўғли Т. Йўлдош билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Тун ярмидан оққанда эса кайфи ошган ота-бола ўртасидан «ола мушук» ўтиб муштлашишга тушишади ва бир-бирига жиддий тан жароҳати етказишади. Ўзлигини унутган ота-ўғилнинг нодонлиги шу билан якун топганида эди. Афсуски, уларнинг кейинги ҳаракати ортиқча бўлди.. Ота фарзандини, фарзанд эса отасини жазолашларини сўраб, туман ИИБга мурожаат қилишади.

Ёшлигимда бувимдан эшитганман, фарзанд ота ўтирган уйнинг томига чиқса гуноҳ бўларкан. Дарҳақиқат, ота буюк зот. Унинг олдида арoқ ичиш у ёқда турсин ўринсиз гап айтишнинг ўзи одобсизлик саналади. Халқимиз ҳар доим ота қошида таъзимда туриб, унинг хизматини адо этиб, дуосини олган фарзандларни қобил фарзанд, дейишади. Отанинг ҳам фарзанд олдида ўз мажбуриятлари бор.

Т. Ахмед ўғлига арoқ ичишни ўргатиш ўрнига, оталик масъулиятини чуқур ҳис қилиб, унинг онгида ахлоқ-одоб тушунчасини шакллантирганида бугун «ўғлидан таёқ еган ота» номини олмасди.

Тезкор маълумотда келтирилган кейинги ҳолат эса ҳаммасидан ошиб тушди. Урганчлик К. Полвон аёли М. Мубoракни жазолашни сўраб, шикоят хати ёзган.

Аризада келтирилишича, М. Муборак турмуш ўртоғини хиёнаткорликда айблаб дўппослаган. Хотинининг калтагидан жони оғриган Полвон эса ички ишлар бўлими томон йўл олган. Эр ўламан, хотин кетаман, деб қўрқитади, деган гапни кўп бор эшитганмиз. Халқ бу мақолни беҳудага ўйлаб топмаган. Ҳар бир мақол неча минг йиллик ҳаётий тажриба ва кўз кўриб, қулоқ эшитган воқеаларнинг исботланган ҳолатини ўзида мужассам этади. Демак, «эр ўламан», деб қўрқитишининг сабаби у турмуш ўртоғи томонидан қанчалик зуғум кўрмасин оила «сири»ни ошкор қилишни ўлимдан оғирроқ жазо, деб қабул қилган.

Кейинги пайтларда қўни-қўшниларнинг низолашаётгани ҳам ачинарли ҳол. Тўй-маъракада бир-бирига елкадош бўладиган, нон-туз алмашадиган энг яқин инсонлар арзимаган сабаблар туфайли «сан-ман»га бориб, юз кўрмас бўлиб кетишаяпти.

Гурланлик Б. Аҳмаднинг буғдой даласига қўшниси Ж. Йўлдошнинг товуқлари тушади. Бундан жаҳли чиққан Аҳмад товуқларни ҳайдаб қўшнисиникига боради ва ўзаро келишолмай, калтак ейди. Ана энди девордармиён қўшнилар аразлашиб юрибди. Назаримда уларнинг бу ҳаракати ораларидан қил ўтмаган, бир майизни қирқ бўлиб еган ота-боболарининг ҳам руҳини безовта қилди-ёв. Сабаби, ўша куни икки қўшни ота-боболаридан тортиб, етти пуштига тегадиган номаъқул сўзларни айтишди. Энди бу безовталикка на кечирим, на узр барҳам бера олади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозим. Қонунларимизда ҳар ким содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилиши муқаррарлиги кўрсатилган. Шундай экан ички ишлар идоралари навбатчилик қисми ходимлари томонидан қайд этилган ҳар-бир ариза ва шикоятлар (ҳаттоки ўзаро низолашган ота-бола шикоятлари ҳам) тегишли соҳа вакиллари томонидан атрофлича ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинади ва тўпланган ҳужжатлар маъмурий тартибда кўриб чиқишлик учун жиноят ишлари бўйича шаҳар ва туман судларига юборилади. Ўз навбатида суд томонидан айбдорларга нисбатан тегишли чора қўлланилади.

Демак, «ғурбат излаган» ўз жазосини олиши тайин. Биз буни инкор этмаймиз. Бироқ бўлар-бўлмасга уришиб, ўз оиласи шаънига доғ тушираётган одамлар, инсон қадри олдида ҳар қандай бойлик, зебу зар, сариқ чақага арзимаслигини қачон тушуниб етадилар. Юз-хотир қилмасдан, фарзанд отани, ака-укани, қўшни-қўшнини обрўсизлантиришга уринаверсалар одамийлик қаерда қолади?

Мухтасар қилиб айтганда, танага етказилган жароҳат битади, аммо қалб жароҳатига даво йўқ. Бир-бирингизнинг қалбингизни жароҳатламанг, азизлар!

**Бекмурод УСМОНОВ.**

*Хоразм вилояти.*

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБ НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

### ИШОНУВЧАНЛИГИ ПАНД БЕРДИ

Шофиркон туманидаги қурилиш ташкилоти бош механиги А. Одилга ишонувчанлиги панд берди. Бўлмаса, наманганлик аёлга чув тушиб қолмасди. Буни қарангки, ўзини ишбилармонман, деб таништирган Э. Дилором пихини ёрган фирибгар бўлиб чиқди. У А. Одилнинг ишончини суиистеъмол қилиб, 6500 АҚШ долларини олиб кетди ва ҳозиргача қайтариб бермади.

Бош механик ички ишлар ходимларига ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур бўлди.

### ҚОЗОН ТОПИЛДИ

Бухоро шаҳрида яшовчи Ш. Очил якка тартибда фаолият юритади. Уйининг ёнида ташкил этган "Версаль" тўйхонаси билан эл корига ярамоқда. Ярим тунда унинг ҳафсаласи пир бўлди. Чунки номаълум шахс тўйхонага яширин равишда кириб, нархи 300 минг сўм бўлган қозонни ўғирлаб кеттан эди.

Тадбиркор тезда ички ишлар бўлимига хабар қилди. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар туфайли қинғирликда гумонланган шахс ушланди. У Бухоро шаҳрилик Т. М. бўлиб чиқди. Тезкор вакилларнинг саъй-ҳаракати билан ўғирланган қозон топилди ва эгасига қайтарилди.

### ХОНАДОН ЎҒРИСИ

Якка тартибда ишловчи Д. Э. ички ишлар бўлимига мурожаат этди. Гап шундаки, Бухоро шаҳрилик бу фуқаронинг уйида ўғирлик содир бўлган эди. Номаълум шахс хонадонга кундуз куни яширинча кириб, "Нокия" русумли уяли телефон ҳамда 1 млн. 300 минг сўм пулни ўмариб кетганди.

Олиб борилган тезкор қидирув ишлари ўз самарасини берди. Қинғирликка қўл урган гумондор ушланди. У олотлик О. Я. бўлиб чиқди.

### БАНКДАГИ ФИРИБГАРЛИК

Фуқаро Д. А. касб-ҳунар коллежини тугатиб банкда иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у анча эпчил, уддабурон чиқиб қолди. Айниқса, манфаати йўлида ишлашга усталигини айтмайсизми?

Пул топишда у фирибгарлик йўлини танлади. Ўтган йилнинг январь ойидан бошлаб 12 нафар фуқарога фарзандлари икки ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун тўланадиган нафақа пулидан банк фоизи сифатида ушлаб қолиш баҳонасида жами 184 минг 490 сўмни қўлга киритган экан.

Бундай «устомонлик»дан хабар топган ҳуқуқ-тартибот посбонлари қонуний чора кўриш учун ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғашди. Тергов ишлари Коғон шаҳар ИИБ томонидан олиб борилмоқда.

**Ф. БОЛТАЕВ,**
**подполковник.**
**Р. ЙЎЛДОШЕВА.**

ОДАМ САВДОСИ – ЖИНОЯТ

# Дилноз нега алданди?

**Шофиркон туманилик Я. Ражаб ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат этди. Унда қизи Дилнозни (исмлар ўзгартирилган) фуқаролар М. Сайёра ва Т. Ойдин ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, Бирлашган Араб Амирликларига олиб боришгани, у ерда шаҳвоний мақсадларда фойдаланганликлари билдирилган. Ўз навбатида, айбдорларни қонун асосида жавобгарликка тортиш сўралган.**

Ушбу ҳолат бўйича гумондорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Дилноз нега алданди? Унинг инсоний ҳуқуқлари поймол этилиб, нопоклар қўлида «қўғирчоқ» бўлишига сабаб нима? Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида бу каби саволларга бирин-кетин жавоб топилди.

Оиланинг ёлғиз қизи Дилноз турмушидан ёлчимади. Турмушга чиққач, бир йил ўтар-ўтмас фарзандини етаклаб ота уйига қайтиб келди. Бирор-бир ҳунар ёки касб-корга эга бўлмаганлиги сабабли тумандаги касалхоналардан бирига фаррош бўлиб ишга кирди. Ёш аёл кўп қатори тўкин яшай олмаётганлигидан ўкинар, айримлар каби хорижга бориб, мўмай пул топиш, ҳаётини изга солиш ҳақида ўйларди. Шу мақсадда етти ёт бегона аёллар М. Сайёра ва Т. Ойдин билан топишиб, тез орада улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетганини сезмай қолди.

– Чет давлатда сочиқ ишлаб чиқариш цехига ишга жойлаштириб қўяман. Ҳар ойда 3000-4000 доллар миқдорида маош оласан. Тез орада бу кунларни кўрмагандек бўласан, – деди Т. Ойдин у билан бўлган навбатдаги суҳбатлардан бирида.

Шундан сўнг Дилноз фақат ширин хаёллар билан яшай бошлади. Ота-онасини кўндириб хорижга бориб ишлаб келса, бутунлай бошқача яшашни кўз ўнгига келтирди. Кўнглидаги катта орзуларга тезроқ етишиш учун хориж сафарига тайёргарлик кўра бошлади. Бунга ота-онасини ҳам кўндирди.

– Йўл харажатидан хавотир олманг, ҳаммасини Ойдин опам тўлайди. Ишга жойлашгач, топган пулимдан аввал уларнинг қарзларини узаман, – деди у қадрдонларига.

У бошқа ёмон хаёлларга бориш, алданиб қолиш ҳақида ўйламас, буни ҳатто хаёлига келтиришни истамасди. Шу боис, хорижга кетиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни тайёрлаш мақсадида фуқаролик паспортини «опахон»ларига қўшқўллаб топширди. Дилнознинг қувончини кўрган ота ҳам унга монелик қила олмади. Розилик хатини давлат нотариал идораси орқали расмийлаштириб берди. Ойдиннинг ўғли Шуҳрат елиб-югуриб аёлнинг хорижга чиқиш рухсатномасини (визасини) у билан биргаликда тайёрлади. Бу орада Дубайга кетган онасининг топшириғи билан самолётга чипта олиш, Дилнозни кузатиб қўйиш ишларини ҳам маромига етказиб бажарди.

Ниҳоят Тошкент халқаро аэропортига келган Дилноз нияти ушалаётганини кўриб жуда қувонди. Бироқ у олдида катта муаммо турганини билмас, бошига тушадиган хўрликлардан хабари йўқ эди. Самолётга чиққач, у Кореяга эмас, Дубайга кетаётганини билиб гарангсиб қолди. Алданганини илк бор идрок этган Дилноз «нима иш бўлса қиламан, фақат ёмон йўлга кирмайман», деб ўйлади. Бироқ энди у аллақачон фирибгар «опахон»нинг қармогига илинган, Дубайда уни кутиб олган Ойдиннинг чизган чизиғидан чиқа олмасди. Шунинг учун ҳам икки ой давомида тансоқчилар қўриқлайдиган ҳашаматли уйда пулдор мижозлар кўнглини хушлашга мажбур бўлди. Ўша ерда қўриқчилик қилаётган Муҳаммад исмли кимсага ишониб яна бир бор алданди. У Дилнозга қочишга ёрдам бераман, деб уни бошқа бир қўшмачи аёлга топширди...

Кутилмаганда текширишга келган полиция ходимлари томонидан ишратхонанинг фош этилиши билан аёлнинг хўрланишларига нуқта қўйилди. Дилноз ниҳоят яқинлари, оиласи бағрига қайтиб келди.

Ёш аёлнинг инсоний ҳуқуқларини поймол қилган, унинг хорижда хўрланишига сабабчи бўлган кимсалар, албатта, жиноий жавобгарликка тортилдилар. Бироқ одам савдоси орқали мўмай даромад топишга интилган нокаслар қўлига ўзини топширган Дилнозга ачинасан, киши. Бу унинг соддалиги, одамларга ишонувчанлиги оқибатими ёки ҳуқуқий саводсизлигими? Нима бўлса-да, аёлнинг бу ҳолга тушишига ўзи сабаб бўлгани рост. Жарақ-жарақ пул топишни мақсад қилган киши аввало, ўз устида ишлаш, ўрганишдан, изланишдан қочмай, бирор-бир ҳунар ёки касбнинг бошини тутиши лозим. Ўзидаги етишмовчиликка барҳам беришни хоҳлаган Дилноз ҳам масаланинг бу томонига эътибор берганида бошига шунча кўргиликлар тушмас эди.

**Отабек ЖУМАЕВ,**
**майор.**
**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,**
**журналист.**
*Бухоро вилояти.*

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

# Телевизор кўролмади

Жалғасбайга отасининг даладаги буғдойлардан хабар олиб кел, дегани ёқмай ғудраниб кўчага чиққанида қўшниси Ўроқбой зерикканидан нима қиларини билмай ўтирарди.

– Далага кетяпман, буғдойга мол тушмаганмикин хабар ол, деб дадам қўймаяпти, – деди норози оҳангда. – Юр, бирга бориб келамиз.

Иккови велосипедга мингашиб далага йўл олди.

– Янги телевизор олмоқчи эдим, дадам пул йўқ деяпти, – деди Жалғасбай йўлда.

Қишлоқ четига етганларида бир тўда қўйлар ўтлаб юрарди.

– Анави қўчқорчалар бозорда икки юздан кам эмас, – деди маъноли оҳангда Ўроқбой.

Жалғасбай ниманидир англаган бўлиб велосипедни тўхтатди. Кейин иккови қўйлар кимники эканини аниқлаб, кечқурун қўрадан ўғирлашни режалаштирди.

Ўша тунда Жалғасбай Ўроқбой билан икки кўча нарида яшовчи Ғ. Икромнинг икки бош қўчқорини ўғирлаб, овлоқ жойга яшириб қўйишди. Эрталаб ҳамтовоқлар учрашди ва қўчқорларни бозорга олиб бориб 300 минг сўмга сотади.

– Бу иш жўн битди, ҳеч ким сезмади, – деди Ўроқбой пулнинг ярмини унга тутқазаркан. – Яна бир ҳаракат қилсак, телевизорга етадиган пул топасан.

Бу орада Мирзачўл тумани ИИБга икки бош қўй ўғирлангани ҳақида ариза тушади.

– Мол ўғриси одатда четдан келмайди, – деди туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Мавлон Қўзиев. – Шунинг учун ҳам ходимларимиз ўша маҳалладаги кишиларни кузатиб, ҳудудни назоратга олдилар. Бунда албатта, профилактика инспектори, капитан Аҳрор Шариповнинг хизмати катта бўлди. Яна туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан Равшан Эшмуродов, тезкор вакил, лейтенант Ислом Ҳотамовлар ўғриларни ушлашда маҳоратларини ишга солишди.

Жалғасбайнинг телевизор олиш нияти амалга ошмай қолди. У Ўроқбой билан бир бева аёлнинг уч бош, яна бир ногирон кишининг икки бош қўйини ўғирлаб сотмоқчи бўлганида қўлга тушди. Телевизорни бировнинг молини ўғирлаб эмас, меҳнат қилиб ҳалол пул эвазига олиш кераклигини кечроқ тушуниб етди.

**Садриддин**
**ШАМСИДДИНОВ.**
*Жиззах вилояти.*

ДИҚҚАТ, ФИРИБГАР!

# ЧУВ ТУШГАН БЎЛСАНГИЗ...

Фирибгарлик, алдов йўли билан ўзгалар ишончига кириб, бойлик орттириш илинжида ҳар кўйга тушаётган кимсалар афсуски, ҳамон учрамоқда. Ана шундай бел оғритмай мўмай пул топиш илинжи 48 ёшли Елена Пантюхинанинг ҳам ҳаловатини буткул ўғирлади. Ҳеч қаерда ишламай, уззукун уйда бўладиган аёл кўп ўтмай йўлини топгандай бўлди. Ширин хаёлларидан ўзи севиниб, компьютерни ёқди. Изланишлар самарасини берди. Компьютер орқали интернетга кириб, уни титкилаётган аёлга «Capitalgain» интернет корхонасига «Пирамида» лойиҳаси асосида фуқароларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар ва кўрсатмалар айни у излаётган йўл бўлиб туюлди. Лойиҳа асосида кишиларни ишга қабул қилиш учун даставвал 50 АҚШ доллари аъзолик бадалини тўлаш, сўнгра ўзи билан яна уч нафар фуқарони жалб этиш лозим эди. Уларнинг ҳар бири 50 АҚШ доллари миқдорида пул тўлаганидан кейин аъзо бўлишларини, ўз навбатида улар ҳам уч нафардан фуқарони олиб келиши шарт эди. Шундан сўнг аъзоларга ойлик маоши бериб борилиши маълум қилинганди. Бу занжир қанча узайса, демак, даромад ҳам шунча кўпаяди, дея ишга киришиб кетган Елена фаолиятини бошлаб юборди. Ўзи тўқиган ёлғонларга ишонадиган шериклари ортидан «Пирамида»га аъзо бўлиб, сўнгра бойиб кетишни орзу қилганлар сони кўпая борганидан аёл хурсанд эди.



«Пирамида» лойиҳасига аъзо бўлганлар сони ҳар сафар бирор киши қўшилиши ҳисобига учга кўпайиб «геометрик прогресс» асосида (3х9х27х81х243х729х2187) юқорилаб бориши, 1-босқичда лойиҳага уч нафар фуқаро жалб этган киши 85 АҚШ доллари иш ҳақи олиши, қолган босқичларда 9 кишининг ҳар бири 3 нафардан фуқароларни лойиҳага жалб этгандан сўнг биринчи кишига 305 АҚШ доллари миқдорида ойлик иш ҳақи тўлаб боришни жорий қилди. Ишлар авжида эди.

Шундай кунларнинг бирида юнусободлик Алефтина Кимнинг норозилиги кучайиб борарди. Негаки, у «Пирамида» лойиҳасига аъзо бўлгач, 2008 йилнинг март ойидан декабрь ойига қадар 10 минг АҚШ доллари сарф этиб, аммо Еленадан тўланган пулларини ва ваъда қилинган ойлик иш ҳақини ололмай юрганди.

– Олиб борилаётган тезкор-қидирув тадбир чоғида Миробод тумани Оқ йўл кўчаси 97-уйда истиқомат қилувчи Елена Пантюхинанинг кирдикорлари фош этилиб, ушланди. Ҳозирда ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, подполковник Қаҳрамон Азизов. – Текшириш вақтида у истиқомат қилаётган хонадондан интернетдаги сайтга уланиб, фойдаланиб келган «LG» русумли компьютер, «Пирамида» лойиҳасига аъзо бўлганларга тўлаб борилган ойлик иш ҳақи қайд этилган 5 дона дафтар далилий ашё сифатида олинди. Ҳозирги пайтда Елена Пантюхинанинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида моддий зарар кўрган фуқароларни аниқлаш чорасини кўрмоқдамиз.

Ушбу лойиҳага 1000 киши жалб этилиб, улардан 200 минг АҚШ доллари йиғилган пул ташкилотчилар ўртасида тақсимланганлигини, охирги вақтларда «иш» унча ўхшамай қолганлигини айтади Елена тергов чоғида.

Ҳа, ёлғон, фириб, текин луқма излаш ҳамиша кишиларни тубсиз жарга, тубанликка етаклаган. Елена ҳам қилган ишлари-ю, амаллари учун қонун олдида, жабрланувчилар олдида жавоб бериш арафасида турибди.

Унинг афсонавий бойлик ҳақидаги чўпчакларига ишониб, чув тушганлар эса Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Умида БОЛЛИЕВА,**
**«Постда» мухбири.**
*Тошкент шаҳри.*

ФУТБОЛ

# ҚЎШ ҒАЛАБА, НАТИЖА

AFC CHAMPIONS LEAGUE

**Қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланган Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳслари бошланди.**

Бу йилги Осиё чемпионлар лигаси беллашувларида Тошкентнинг икки номдор жамоалари – «Бунёдкор» ва «Пахтакор» футболчилари юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Бу галги мусобақаларда футбол мухлисларимизнинг жамоалардан умиди катта.

«А» гуруҳида тўп сураётган мамлакат чемпионатининг кумуш медали соҳиби – «Пахтакор» дастлабки учрашувни ғалаба билан бошлади. Виктор Жалилов шогирдлари БААнинг «Ал-Аҳли» жамоаси меҳмони бўлиб, 1:2 ҳисобида зафар қучишди.

Учрашувнинг бошиданоқ ташаббусни ўз томонига оғдира олган пахтакорчилар ишончли ўйин кўрсатишди. Ўйиннинг 23-дақиқасида ҳисоб очилди. Элдор Магдиев рақиб жарима майдонига кириб бориб, дарвозабон билан яккама-якка чиққан бир пайтда ҳимоячиларнинг қўполлигига дуч келди. Ҳакам томонидан белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпини Одил Аҳмедов бехато амалга оширди – 0:1.

Иккинчи бўлимнинг 54-дақиқасида учрашув ҳаками рақиб футболчиси ўзи майдонда йиқилган бўлса-да, жарима тўпини белгилади. «Ал-Аҳли»нинг бразилиялик легионери Сезар Игнатий Нестеров «деворини қулата олмади».

Шундан сўнг «Пахтакор» жамоаси аъзолари ҳужумга зўр беришди. Натижада, захирадан майдонга тушган Зайниддин Тожиев 67-дақиқада рақиб дарвозасини ишғол қилиб, жамоасини олдинга олиб чиқди – 0:2.

Ҳисобда олдинга чиқиб олган вакилларимиз бироз хотиржамликка берилди. Ўйиннинг асосий вақти тугашига бир дақиқа қолганида мезбонлар ҳисобни қисқартирди – 1:2. Учрашувга қўшиб берилган дақиқада ҳам мазкур ҳисоб сақланиб қолди.

«Д» гуруҳидан жой олган «Бунёдкор» пойтахтимиздаги янги таъмирдан чиқарилган «Жар» ССМ стадионида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувда киритилган голларга Анвар Солиев муаллифлик қилди.

Шундай қилиб иккала жамоа бир хил натижа билан гуруҳ учрашувлардаги дастлабки беллашувни муваффақиятли якунлади. 17 март куни «Пахтакор» асосий рақиби – «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони)ига қарши майдонга тушса, «Бунёдкор» эса 18 март куни сафарда «Ал-Шабаб» (БАА) жамоаси меҳмони бўлади.

**Ф. АЗИЗОВ.**



**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальони 6-отряд 1-гуруҳ милиционери, сафдор **Жамшид МАЛИКОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий фаровонлик, машаққатли ва шарафли хизматида омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Эҳтиром ила ҳамкасблари.**

22 МАРТ – ХАЛҚАРО ОБИҲАЁТ КУНИ

# ҲАЁТ МАНБАИНИ АСРАНГ!

***Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 22 март Халқаро обиҳаёт куни, деб эълон қилинган. Бу бежиз эмас албатта, ҳаётимиз манбаи, бебаҳо бойлигимиз бўлган сувни исроф қилмасдан, ундан оқилона фойдаланишимиз зарур.***

Маълумки ёғингарчиликларнинг кўп бўлганлиги, сувнинг асосан тоғли ҳудудлардан оқиб келиши давомида, табиий ва сунъий ифлосланиши, яъни хўжалик, маиший чиқиндиларни тозалаш жойлари, фермалар мавжуд жойларда ер қатламларига сўрилиши, дарё, канал, ариқларга турли хил саноат корхоналари, аҳоли томонидан чиқиндиларнинг ташлаб юборилиши натижасида, ер ости ҳамда очиқ сув ҳавзалари ифлосланади. Шундай экан, авваламбор озодаликка риоя қилишимиз, атроф-муҳитни чиқиндилардан тозалаш, мавжуд ифлослантирувчи омилларни бартараф этмоғимиз шарт.

Республикамизга келаётган оқар сув манбаларининг 80% асосан қўшни давлатларда (Қирғизистон, Тожикистон Республикалари) жойлашганлигини инобатга олсак, бу муаммо мамлакатимиз учун муҳим аҳамият касб этаётганлигини англаймиз. Мамлакатимиз ҳудудидаги мавжуд очиқ сув ҳавзаларининг тозалик ҳолати ҳукуматимиз томонидан назоратга олинган. Уларнинг санитария ҳимоя минтақаси белгиланган.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳозирги кунда нафақат республикамизда, балки бутун жаҳонда долзарб муаммолардан бири саналади. Ўзбекистон табиий ресурсларга бой ўлка, шулар қаторига ер ости маъданли булоқ сувлари, табиий иссиқ минераллашган сувлар киради. Бундай табиий манбалардан оқилона фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилган санаторий ва профилакторийлар аҳоли саломатлигини сақлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Ички ишлар идоралари шахсий таркиби, ҳарбий қисмлар аскарлари ва махсус контингентни тоза ичимлик суви билан таъминланишга вазирлик раҳбарияти томонидан катта эътибор берилмоқда.

Шуни ёдда тутиш керакки, республикамиздаги ичимлик суви манбалари миқдори чегараланганлигини инобатга олиб, очиқ сув ҳавзаларини ифлослантирилишига йўл қўймаслик, уларни халқ бойликларидан бири деб қараш ва бу бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз зарур.

**А. МАХАМАТОВ,**
**ИИВ СЭНБМ катта санитария шифокори, капитан.**

ВОЛЕЙБОЛ

# КУЧЛИЛАР ҲАМИША ҒОЛИБ

**Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан Тошкент шаҳар ҳамда пойтахт вилоятлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида спартакиада мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ махсус жисмоний тайёргарлик марказида XVIII спартакиада мусобақаларига старт берилди.**

Дастлабки беллашувларни волейболчилар бошлаб берди. Мусобақада 12 та жамоадан 144 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Қизғин ва муросасиз беллашувларда республика МХХ жамоаси волейболчилари барча рақибларини енгиб, ғолиб, деб топилди. Иккинчи ўринни республика ИИВ Марказий аппарати жамоаси эгаллади. Шоҳсупанинг учинчи поғонасини Тошкент шаҳар ИИББ спортчилари банд этди.

Мусобақа сўнггида ғолиб жамоа ва спортчилар республика «Динамо» ЖТСЖ раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ДЗЮДО

# ДИНАМОЧИЛАР СОВРИНДОРЛАР САФИДА

**Қарши шаҳрида дзюдо бўйича 1990–1991 йилларда туғилган ёшлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Қизиқарли кечган беллашувларда динамочиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишди.**

Дзюдочилар – С. Азимов (81 кг.), А. Қурбонов (73кг.) барча рақибларни енгиб, биринчи ўринни эгаллади. А. Сафаров (81 кг.), Д. Рустамов (73 кг.) шоҳсупанинг иккинчи поғонасини банд этган бўлса, Ф. Заитов (90 кг.) эса бронза медалини қўлга киритди.

Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

КУРАШ

# ПОЛВОНЛАР ГИЛАМДА

**Қарши Олимпия захиралари спорт коллежида Қашқадарё вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг тақвимий режасига биноан воҳа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида спортнинг миллий кураш тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 24 жамоа полвонлари ўзаро ғолиблик учун гиламга тушди.**

Кескин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтган беллашувларда ҳар бир жамоа вакили бор тажриба ва маҳоратини ишга солган полвонлар шижоатидан сезилиб турди. Беллашувларда вилоят МХХБ вакили О. Шерғозиев (73 кг.) вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармасидан сафдор Ж. Ниёзов (81 кг.), МХХБ ходимлари Ф. Каримов (90 кг.), С. Халилов (90 кг.) ғолиб бўлишди. Мутлақ вазн тоифасида вилоят МХХБ ходими Ф. Қаршиев биринчи, қўриқлаш бошқармасидан сафдор Ж. Ниёзов иккинчи ва МХХБ вакили М. Азимов учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида эса вилоят МХХ жамоаси ғолиб бўлди. Совринли ўринларни вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва ҳарбий қисм вакиллари банд этди.

Мусобақада ғолиб бўлган полвонлар ва жамоалар вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**С. РАҲИМОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН



# «БАҒРИМДАГИ ДЎМБОҒИМ»

**Нашримизнинг 8-сонида берилган ҳазил-суратга муштарийларимиздан газетa саҳифаланаётган куни ҳам мактуб ёки телефон қўнғироқлари орқали изоҳлар олдик. Бу албатта, берилаётган суратга газетхонларимизнинг бефарқ эмаслигидан далолатдир. Бу галги билдирилган фикрлар бўйича Навоий вилоятлик газетахонларимиз пешқадамлик қилди. Марҳамат изоҳлар гулдастаси билан танишинг.**




**Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ ЁХБ 9-ҲЁХО 17-ҲЁХҚ катта ёнғин ўчирувчиси, кичик сержант Музаффар Эшмуҳаммедов** изоҳи ўзига хос:

*Кел ёнимга қўғирчоғим,*
*Ўйнаганда овунчоғим,*
*Ухлаб, ухлаб ором ол,*
*Бағримдаги дўмбоғим.*

**Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими навбатчилик қисми милиционери, сафдор Обид Қўзиев:**

*Қўғирчоқни қучоқлаб,*
*Ухламоқда болажон,*
*Яхши инсон бўлсин деб.*
*Истак тилар Обиджон,* – дебди.

**Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХО ходими Рисолат Шодиева** фикрини қуйидаги тўртликда баён қилди:

*Сўрғичини қизғаниб,*
*Қўғирчоғин алдади.*
*Қолиб иккови чарчаб,*
*Бир зумда ухлаб қолди.*

**Хоразм вилояти Шовот туманидан Ромеш Қурбонбоев** ҳам ҳажв қилишга уста экан:

*Чақалоқ сўрғичини қўлига ушлаб олган,*
*Қўғирчоққа бераман деб, ўзи ҳам ухлаб қолган.*

**Навоий вилояти Учқудуқ тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта сержант Абдуҳошим Зиёддинов** изоҳи бизга ёқди:

*Сўрғичдан ҳам яхшироқ,*
*Бор экан-ку овунчоқ,*
*Ҳар гал қучиб ухласам,*
*Уйғонаман кўнглим чоқ.*

**Жиззах шаҳридан Норхол Қураматова** «Ўзи бола, яна болам дейди», **Фарғона СТҚТМОМ ходими, катта лейтенант Зайлиддин Тўйчиев** «Кўз очиб кўрганим, қўғирчоғим, оппоғим», **Навоий вилояти Нурота тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор Одилжон Каримов** «Ойим чиқиб кетгунча, ухлагандек ётамиз» деб фикр билдиришибди.

Шунингдек, **Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ катта инспектори, кичик сержант Р. Рўзиев, тошкентлик З. Худойбердиевга** йўллаган изоҳлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

**Изоҳларингизни мактуб ёки 231-48-41, 254-37-91 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.**

## ЗУМРАД БАҲОР КЕЛДИ ЭЛИМГА

*Қиш чилласи излатган палла,*
*Аёз бобо музлатган дала,*
*Яшилликка бурканди яна,*
*Зумрад баҳор келди элимга.*
*Кўк кўшкида кўринди ёғду,*
*Юракда жўш урди ҳис-туйғу,*
*Эл лабига ёйилди кулгу,*
*Зумрад баҳор келди элимга.*
*Бўй кўрсатар тоғда лолажон,*
*Уйга сиғмас энди болажон,*
*Суюнчилаб келдим онажон,*
*Зумрад баҳор келди элимга.*
*Келинчаклар кипригида ноз,*
*Бойчечаклар гуллайди қийғос,*
*Сўз топилмас қилгали қиёс,*
*Зумрад баҳор келди элимга.*
*Жилоланар рангин камалак,*
*Қозонларда қайнар сумалак,*
*Тўйиб-тўйиб еймиз кўк барак,*
*Зумрад баҳор келди элимга.*
*Эзгулик элчисидир кўклам,*
*Унутилар адоват, алам,*
*Ярашади урушганлар ҳам,*
*Зумрад баҳор келди элимга.*
*Соф ҳавога тўлсин сархуш дил,*
*Баракали бўлсин ушбу йил,*
*Бекмурод ҳамд айту, шукр қил,*
*Зумрад баҳор келди элимга.*

**Бекмурод УСМОНОВ.**

ХУШ КЕЛДИНГ, БАҲОР!

# ВАРРАКДЕК ПАРВОЗ ҚИЛЯПТИ

**Кўклам даракчилари кўп. Ариклар бўйида ялпиз ниш урганини кўриб, баҳор эшик қоқяпти деймиз. Дарахтлар куртак очгани ҳам кўкламдан дарак. Варраклар айнан эрта баҳорда учирилиши ҳам бежиз эмас. Кўклам шамолидагина варрак учириш мумкин.**

Болаликда варрак учирмаган, уни завқ билан томоша қилмаган киши топилмаса керак. Бизнинг давримизда варрак учун қамиш бисёр, ип ҳам муаммо эмас. Аммо юпқи шилдироқ қогоз кўпам топилавермасди. Кинохона афишасидаги қоғозларни талашиб-тортишиб олардик. Осмонда учаётган варракда кино қаҳрамонларининг суратини кўриб янада завқланардик.

Кексалар варрак учирганнинг бағри кенг, кўнгли тоза бўлади, дейишади. Бу болаларга хос хислат. Уларнинг кўнгли ҳали оппоқ қоғоздек, бағри осмон қадар кенг бўлади.

Мана, ўлкамизга яна кўклам келди. Баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун далага чиқдим. Атроф яшилликка буркана бошлаган, қушларнинг чуғур-чуғури эшитилади. Бир тўп болалар варрак учириш учун шайланишяпти. Уларни кузата бошладим Чиройли капалак нусха варрак баландлай бошлади. Болалар қийқиришиб кузатиб туришибди. Қайси бири «ипдан қўй» деса, бошқаси «югур, пастлаб кетмасин» дейди. Унинг ортидан тўрт бурчак шаклда гуллар билан безалган варрак учирилди. Кўршапалакка ўхшаши баландлай бошлаганда болалар баралла кулиб, уни учираётган тенгдошига нималарнидир уқтиришарди. Эртакларда тасвирланган узун думли аждарҳо шаклидаги варрак эгаси ҳамманикидан меники зўр дегандай жилмайиб қўяди. Осмонда яна бир варрак пайдо бўлди. У худди ўлжасига ҳамла қилаётган бургутга ўхшар, осмон ўзимники, дегандай дам у, дам бу томонга учиб, «даҳшат» соларди. Болаларнинг завқланишини кўриб, дил яйрайди.



Осмонда ўнга яқин варрак учади. Болаларни кузатаман. Уларнинг беғубор кўнглида варрак учириб завқланишдан бошқа нарса йўқ. Ўзларини варрак билан осмонда учаётгандек ҳис қилишяпти. Иқболингиз парвози осмон қадар баланд бўлсин, дейман.

**Садриддин АБДУЛЛАЕВ.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

# Ў Қ И Ш Г А   М А Р Ҳ А М А Т !

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси 2009-2010 ўқув йили учун қабул эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясига умумий ўрта ёки ўрта-махсус маълумотига эга, мактаб (11-синф), академик лицей ва коллежларнинг битирувчи курсларида таҳсил олаётган, соғлиғининг ҳолатига кўра Академияда ўқиш, шунингдек, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат ўташга лойиқ, деб топилган ҳамда конкурс танловини муваффақиятли топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Энг биринчи навбатда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар томонидан республика олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тавсияномаларга эга бўлган фуқаролардан иборат номзодларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади.

ИИВ Академиясига бўйбасти 170 см.дан паст бўлмаган йигитлар ҳамда бўй-басти 160 см.дан паст бўлмаган қизлар қабул қилинадилар.

Ажратилган қабул ўринларининг 5 фоизига қадар турмушга чиқмаган ва фарзандлари бўлмаган қизлар қабул қилинадилар. Қизлар учун танлов алоҳида, республика миқёсида вилоятларга бўлинмаган ҳолда ўтказилади. Ўқишга кириш истагини билдирган фуқароларнинг ҳамда ички ишлар идоралари сафдор ва сержантлар таркиби ходимларининг ёши 17 дан 25 ёшгача бўлиши шарт. Абитуриентларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрига қадар ҳисобланади.

Ўқиш даври хизмат ўташ муддатига киритилади. Аризалар ўқишга қабул йилининг 15 майига қадар қабул қилинади.

ИИВ Академиясига олий маълумотли шахслар қабул қилинмайди.

ИИВ Академиясида ички ишлар идораларининг офицерлар таркиби учун:

- Тергов;
- Жиноят қидирув;
- Жиноятчиликнинг олдини олиш;
- Эксперт-криминалистика мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади.

Қўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги ички ишлар бошқармалари ва бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

Тингловчилар бепул мавсумий кийим-бош, озиқ-овқат ҳамда стипендия билан таъминланадилар.

Абитуриентлар ўз хоҳишига кўра, тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўрнатилган муддатларда ўтказилади.

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти 2009-2010 ўқув йили учун қабул эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига умумий ўрта ёки ўрта-махсус маълумотига эга, мактаб (11-синф), академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ва курсларида таҳсил олаётган, соғлиғининг ҳолатига кўра Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ўқиш, шунингдек, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат ўташга лойиқ, деб топилган ҳамда конкурс танловини муваффақиятли топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Энг биринчи навбатда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар томонидан республика олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тавсияномаларга эга бўлган фуқаролардан иборат номзодларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига бўй-басти 170 см.дан паст бўлмаган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш истагини билдирган фуқароларнинг ёши 17 дан 21 ёшгача ҳамда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ёши 18 дан 25 ёшгача бўлиши шарт. Абитуриентларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрига қадар ҳисобланади.

Ўқиш даври хизмат ўташ муддатига киритилади. Аризалар ўқишга қабул йилининг 15 майига қадар қабул қилинади.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига олий маълумотли шахслар қабул қилинмайди.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ички ишлар идоралари ҳамда ҳарбий қисмлари учун олий ҳарбий маълумотга эга бўлган офицерлар тайёрловини амалга ошириб, қуйидаги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлайди:

- ИИВ қўшинлари тактик қўмондонлиги;
- ИИВ қўшинлари тактик-тарбиявий қўмондонлиги;
- Жазони ўташ режимини ташкил этиш (юриспруденция);
- ИИВ корхоналарида техник назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳандислиги;
- Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларидан фойдаланиш техник-муҳандислиги.

Қўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги ички ишлар бошқармалари ва бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида таҳсил олаётган курсантлар бепул мавсумий кийим-бош, озиқ-овқат ҳамда стипендия билан таъминланадилар.

Абитуриентлар ўз хоҳишига кўра, тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўрнатилган муддатларда ўтказилади.

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби 2009-2010 ўқув йили учун қабул эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига умумий ўрта ёки ўрта-махсус маълумотига эга, мактаб (11-синф), академик лицей ва коллежларнинг битирувчи курсларида таҳсил олаётган, соғлиғининг ҳолатига кўра Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ўқиш, шунингдек, кейинчалик ички ишлар идораларида хизмат ўташга лойиқ деб топилган ҳамда конкурс танловини муваффақиятли топширган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Энг биринчи навбатда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар томонидан республика олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тавсияномаларга эга бўлган фуқаролардан иборат номзодларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига бўйбасти 170 см.дан паст бўлмаган йигитлар қабул қилинадилар.

Ўқишга кириш истагини билдирган фуқароларнинг ҳамда ички ишлар идоралари сафдор ва сержантлар таркиби ходимларининг ёши 17 дан 25 ёшгача бўлиши шарт. Абитуриентларнинг ёши ўқишга қабул йилининг 31 декабрига қадар ҳисобланади.

Ўқиш даври хизмат ўташ муддатига киритилади. Аризалар ўқишга қабул йилининг 15 майига қадар қабул қилинади.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабига олий маълумотли шахслар қабул қилинмайди.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ички ишлар идоралари учун олий маълумотга эга бўлган офицерлар тайёрловини амалга ошириб, ёнғин хавфсизлиги бўйича кадрлар тайёрлайди.

Қўшимча маълумотлар юзасидан жойлардаги ички ишлар бошқармалари ва бўлимларига мурожаат этишингиз мумкин.

Тингловчилар бепул мавсумий кийим-бош, озиқ-овқат ҳамда стипендия билан таъминланадилар.

Абитуриентлар ўз хоҳишига кўра, тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўрнатилган муддатларда ўтказилади.

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7057. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57430 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**